


Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

# O‘ZBEKISTON adabiyoti va san’ati

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MARIFIY, IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 12-may
№18 (4729)


*Ўзбекистон Миллий университети — 105 ёшда*

## ИЛМ-ФАН ХАЛҚ ҚАДДИНИ ТИКЛАЙДИ



***Азал-азалдан ҳаётнинг барча соҳаларида ўзининг улуғ олимларига эга бўлган юртимиздаги замонавий олий ўқув муассасаларининг тўнғичи, шубҳасиз, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетдир. Ўзбекистондагина эмас, Марказий Осиёда ҳам биринчи бўлган бу университет 1918 йил 12 майда дастлаб Халқ дорилфунуни сифатида ташкил этилган. Кейинчалик Туркистон халқ, Туркистон давлат, Ўрта Осиё давлат, Тошкент давлат университети номлари билан ҳам фаолият юритган. 105 йил давомида минг-минглаб ёшларга таълим-тарбия бериб, ҳаёт сари йўллаган университетнинг республикамиз илм-фани ва маданий муҳити ривожланишига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.***

Қадим-қадимдан турли тамаддунларни туташтирган Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган ўзбек замини улуғ олимлар юрти сифатида шуҳрат қозонган. Шарқ Уйғониши – Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида дунёга Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Али Қушчи сингари буюк даҳоларни етказиб берган. Уларнинг математика, астрономия, тиббиёт, технология, адабиёт ва санъат, тиббиёт, геометрия каби йўналишлардаги кашфиётлари шу қадар сон-саноқсизки, бугунги кунда бу чашмалардан замонавий илм-фан ҳамон озиқланиб келади. Она заминимизда илм-фан, маданият-маърифат ҳамма вақт бу маконда истиқомат қилган халқларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб, қаддини тиклашига хизмат қилган. Янги Ўзбекистон шароитида қадимий анъаналар янгича шукуҳда давом этаётгани давлатимиз томонидан илм-фанга, таълим-тарбияга, ўқув даргоҳларининг моддий-техника имкониятларини мустаҳкамлаган ҳолда илмий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда яққол намоён бўлмоқда. Шу тариқа дунё тамаддунига буюк аждодларимиз қўшган ҳисса бардавомлиги Учинчи Ренессанс ғоясини пайдо қилди ва унинг пойдевори, шак-шубҳасиз, ўтмишда бўлгани каби илм даргоҳларида, талабалар интилишларида, олимлар изланиш ва тадқиқотларида намоён бўлмоқда. Бугунни обод, келажакни порлоқ, миллатни яна улуғлашга қаратилган бу ҳаётбахш ғоянинг амалдаги исботини йирик илм даргоҳи – Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет мисолида яққол кўриш мумкин.

Ташкил этилганидаёқ том маънодаги илм-фан ўчоғига айланган университет турли соҳаларга замонавий кадрлар етказиб беришда қизғин илмий фаолият олиб борган. Бу даргоҳда машҳур олимлар назарий билимларини ҳамиша турли ўқув юртларида амалга татбиқ этиб келишган. Университет тизимидаги ва унинг таркибидан ажралиб чиққан илмий-текшириш институтларининг республикамиз илм-фан тараққиётидаги ўрнини эса сўз билан ифодалаш мушкул. Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда илм-фан, таълим-тарбия давлат аҳамияти даражасига кўтарилиб, эътибор кучайгани, кутилганидек, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларга ижобий таъсир қилиб, бунинг натижасида жамиятда юксалиш юз берди. Шу асно Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясининг амалга ошиши кафолати яратилди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ҳам кейинги йилларда кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Давлат раҳбари томонидан олий таълим соҳасида имзоланган ўнлаб муҳим ҳужжатлар бу жараёнга самарали таъсир кўрсатди. “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар”, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар, “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари”, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлар шулар жумласидандир. Шубҳасиз, бундай муҳим ҳужжатларга амал қилиш, берилган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдалана олиш ҳар қандай олий ўқув юрти мақомини мустаҳкамлаб, нуфузини оширади.

►2

**Шеърий лаҳза**

**Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони**

### ТУҒИШГАНЛИК

Тарихларга гувоҳли сўз,
Ҳар бир дардга даволи сўз,
Муқаддас сўз, дуоли сўз:
Туғишганлик, туғишганлик.

Ор-номус, виждони шерик,
Моли билан жони шерик,
Томирдаги қони шерик,
Қон-қардош сўз – туғишганлик.

Бир ўчоққа ўт ёқтирган,
Бир яйловда мол боқтирган,
Тўй-ҳашамда от чоптирган,
Ризқи йўлдош туғишганлик.

Бир тандирга нон ёптирган,
Зарур нарсангни топтирган,
Бевақт эшикни қоқтирган
Туғишганлик, туғишганлик.

Ўзбекни ўз оғам этган,
Улкан бахтни инъом этган,
Бир қозонда ош дамлатган,
Меҳри иссиқ туғишганлик.

Сувимни дарёдош этган,
Элимни дўст-қардош этган,
Туркманга нағмадош этган,
Хосиятли туғишганлик.

Қозоқларга той сўйдирган,
Қирғизларга кўй сўйдирган,
Ўтов тиклаб, бош қўйдирган,
Ҳимматли сўз – туғишганлик.

Дарёни дарёга қўшган,
Фазоларнинг сирин очган,
Бир оиладек уюшган,
Мангу яша, туғишганлик.

**Қорақалпоқчадан Ойдин ҲОЖИЕВА таржимаси.**

**Бахшиси бор эл бахтли миллат саналади. Сабаби, улар куйлаётган достонларда халқнинг орзу-ниятлари, дарду ҳасратлари, армонлари узоқ асрлардан бери тилдан-тилга кўчиб келаётган бўлади. Бу айтимларда миллат руҳи яшайди. Ушбу санъат турини сақлаб қолиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдан то бугунга қадар бир қанча қарорлари эълон қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида халқаро байрам, беш йилдирки, юксак савияда ўтказиб келиняпти. Фестиваль ҳар икки йилда юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётганида ҳам ҳикмат бор. Мақсад дунё аҳлига ўзбек достончилик санъатини кўрсатиш билан бирга, мамлакатимиз туризм салоҳиятини ҳам намоён қилишдан иборат. Юртимизда учинчи бор ўтказилган фестивалга бу йил Сирдарё вилояти мезбонлик қилди. Тадбирнинг айнан Гулистон шаҳрида ташкил этилишининг рамзий маъноси бор. Сабаби, шу йил вилоят ташкил этилганининг 60 йиллиги кенг миқёсда нишонланяпти.**

## ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН БАХШИЛАР

### Ёки олтин мероснинг янги оҳанглари



Бахшилар фестивалини ўтказиш учун узоқ ва пухта тайёргарлик кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти, ЮНЕСКО – БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу фестиваль ўз ичига илмий-амалий конференция, тантанали очилиш ва ёпилиш маросими, бахши-шоир, оқин ва жировлар ҳамда фольклор жамоаларининг халқаро кўрик-танлови, “Гастрономик туризм” кўргазмаси ҳамда бошқа муҳим тадбирларни қамраб олди. Фестивалда нуфузли халқаро ташкилотлар – ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, ТУРКСОЙ, Туркий маданият ва мерос фонди вакиллари, ўттиздан ортиқ чет мамлакатлардан келган халқ ижодиёти намояндалари, атоқли санъат ва маданият арбоблари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Фестиваль 6 май куни Гулистон шаҳрида “Замонавий бахшичилик санъати: олтин мероснинг янги оҳанглари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман билан бошланди. Анжуманни филология фанлари доктори, профессор Жаббор Эшонқул олиб борди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков нутқ сўзлаб, фестиваль иштирокчиларини табриклади. Тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Россия, Туркия, Венгрия, Корея Республикаси, Япония каби 30дан зиёд мамлакатдан соҳанинг етук мутахассислари, хусусан, Фикрат Туркман, Мухтор Козим ўғли Иманов, Исмат Четин, Айша Южел Четин, Селами Фидакор, Анарбой Булдибой, Талантали Бакчиев, Жанос Сипос, Давид Сомфаи Истван, Гулнор Ҳусаинова, Эункюнг Оҳ каби таниқли фольклоршунос олимлар ўз маърузалари билан қатнашди.

Фестиваль доирасида Маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти раҳбари Султон Раев билан учрашди. Мулоқот чоғида туркий тилли давлатларни азалдан нафақат маданият, тил, қадриятлар муштараклиги, балки анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар боғлаб туриши қайд этилди, туризм, маданий-гуманитар соҳаларни янада ривожлантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сирдарё вилоятидаги Амфитеатр майдонида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Халқаро фестиваль иштирокчиларига йўллаган табригини Президент маслаҳатчиси Одилбек Абдураҳмонов ўқиб эшиттирди. Табрикда, жумладан, қуйидаги сўзлар кўпчиликнинг эътиборини тортди:

– Айни кунларда истеъдодли фольклор усталаридан ёзиб олинган достон ва термаларнинг “олтин фонди” шакллантирилмоқда. Халқ ижодиёти ёдгорликлари китоб ва тўпламлар ҳолида мунтазам нашр қилинмоқда, илмий экспедициялар ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Таниқли бахши, жиров ва оқинларнинг хотираси абадийлаштирилиб, улар ҳақида илмий-оммабоп асарлар, ҳужжатли фильмлар яратилмоқда, таълим масканларида бахшичилик синфлари ва тўгараклари фаолият юритмоқда.

Қадим-қадимдан дўмбира ва чанқовуз садолари янграб келган, фольклор бўйича бой мерос ва анъаналарга эга бўлган бу саховатли диёр бағридан Мурод бахши, Ҳамроқул бахши, Гулмурод бахши, Акрам булбул, Саидаҳмад ва Саидмурод бахши каби ижодкорлар, Сирдарёнинг фахру ғурурига айланган Тўра Сулаймон ва Ҳалима Худойбердиева сингари атоқли шоирлар етишиб чиққанини эл-юртимиз яхши билади. Уларнинг халқона донишмандлик билан йўғрилган бахшиёна оҳанглари ҳозир ҳам муносиб издошлар сози ва сўзида жаранглаб турибди.

►6

## ҲАЙДАР АЛИЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**Ҳар бир миллат ўз тақдирида кескин ижобий бурилиш ясай олган, фидойи, узоқни кўра оладиган, донишманд ва оқил фарзандларини мудом ардоқлаб, хотирасини азиз билиб келади. Озарбайжоннинг асл фарзанди, давлат ва жамоат арбоби Ҳайдар Алиев ўз юртининг ана шундай қатъий азму шижоатли, умрини Ватан тараққиётига бахшида этган инсонлардан бири эди.**

Шу кунларда мамлакатимизда Озарбайжоннинг буюк фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Озарбайжон Республикасининг умуммиллий лидери Ҳайдар Алиев ҳаёти ва ибратли фаолиятига бағишланган маърифий анжуманлар, миллат етакчиси ҳақидаги китоблар тақдимотлари, фотокўргазмалар, ҳужжатли фильмлар премьераси, концерт дастурлари бўлиб ўтмоқда.

Пойтахтимиздаги Ҳайдар Алиев ёдгорлиги мажмуасида бўлиб ўтган тадбир бунга ёрқин мисолдир. Айтиш жоизки, кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташқи сиёсатда очиқ, конструктив, самимий муносабатлар шаклланди. Бу жиҳатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги ҳамкорликнинг сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилганида яққол кўзга ташланмоқда.

Тантанада турли вазирлик ва идоралар, миллий маданият марказлари, ижодий ташкилотлар вакиллари, ижодкор зиёлилар, талаба-ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустамбек Қурбонов, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусайн Гулиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ва бошқалар Озарбайжон халқининг умуммиллий лидери, атоқли давлат арбоби Ҳайдар Алиевнинг Озарбайжон Республикасининг мустақилликка эришишдаги роли, жасорати, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва биродарлик ришталарининг мустаҳкамланишидаги хизматлари, Ўзбекистонга ўзгача меҳр, эътибор, ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлганини алоҳида эътироф этдилар.

Тантанали тадбирда Озарбайжон халқининг умуммиллий лидери, атоқли давлат арбоби Ҳайдар Алиев ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ташаббуси билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Президентимизнинг 2019 йил октябрь ойида Озарбайжонга, қардош мамлакат раҳбари Илҳом Алиевнинг 2022 йил июнь ойида Ўзбекистонга амалга оширган тарихий ташрифлари бу йўналишда бутунлай янги даврни бошлаб берди.

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Озарбайжоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Озарбайжон миллий маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган “Азалий дўстлик, қардошлик” номли фотокўргазмада бу жиҳатлар яна бир бор ўз исботини топди.

Тадбирда қайд этилганидек, Ҳайдар Алиев XX асрнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, мустақил Озарбайжоннинг асосчиси ва буюк бунёдкори сифатида тарихга кирди. Унинг кўп қиррали фаолияти икки халқ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, Озарбайжоннинг халқаро миқёсидаги нуфузини оширишга хизмат қилди. Ўзбекистон билан муносабатни юқори даражага олиб чиқиш, мамлакатлар ўртасидаги стратегик шериклик, икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Мазкур фотокўргазмадаги асарлар халқларимиз ўртасидаги ришталар мустаҳкам тарихий, маданий, маърифий асосга эга эканини яна бир бор кўрсатди.

“Туркистон” саройида бўлиб ўтган концерт дастури санъатларимизнинг нечоғли муштарак эканини намоён этди. Озарбайжон халқининг умуммиллий лидери Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири**

Бошланиши 1-саҳифада

# ИЛМ-ФАН ХАЛҚ ҚАДДИНИ ТИКЛАЙДИ

Ўзбекларнинг тарихи дунёдаги ҳеч бир халқникидан қолишмайдиган даражада бой ва ранг-баранг бўлиб, бизнинг халқимиздан буюк алломалар, саркардалар, давлат арбоблари, файласуфлар, олимлар, санъат ва адабиёт намояндалари етишиб чиққан. Янги Ўзбекистон ёшларига билим беришдан ташқари, уларнинг қалбига адолат ва ҳақиқат туйғусини сингдиришда университетнинг ўрни беқиёс.

Университет олимларининг математика, физика, химия, биология, геология, шарқшунослик, тарих ва археология соҳаларига қўшган ҳиссаси ҳақида ҳам ифтихор билан гапирса арзийди, бу борада ўнлаб буюк номларни келтириш мумкин. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳозирга қадар ўзининг юксак номини оқлаб келяпти.

Университетнинг замон талабларига жавоб бера олиш иқтидорини белгилайдиган омиллар кўп. Улар орасида дунё миқёсида олий ўқув юртлариаро ўтказиладиган рейтингларда иштирок этиш, шу орқали ўзига ўзи назар ташлаш қобилиятини шакллантиришдир. Эътироф масъулият ҳиссини оширишга хизмат қилади. Албатта, кенг билимлилик, тилларни билиш ҳар қандай замонда ҳам илм-фанга қанот бахш этади. Университетда бугунги кунда ана шундай ёшлар таҳсил олишмоқда. Битирувчиларга турли соҳаларда талаб юксаклиги сабаби ҳам шунда.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетида 2019 йил 24 май куни олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашиб, илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳақида суҳбатлашганида, бутун мамлакат аҳли халқ қаддини илм-фанга асосланган ислоҳотлар тиклашига, орзу-умидлари ушалишига имкон яратиб беришига ишонч ҳосил қилганди.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиз марказида муҳташам “Адиблар хиёбони” ташкил этилиши ва у ерда ҳазрат Алишер Навоийдан тортиб, замонавий шоир Муҳаммад Юсуфгача бўлган ижодкорларнинг 24та ёдгорлик ҳайкаллари ўрнатилишида эзгу мақсад, катта ғоя мужассам бўлган. Ёдгорлик ҳайкаллари ўрнатилган ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, “Адиблар хиёбони”да учрашувлар, адабий кечалар, маданий тадбирлар ташкил этишда пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари бириктирилганида ҳам юксак мақсадлар кўзланган эди. Ижобий натижаларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Талабаларимиз орасидан яхши-яхши ижодкорлар етишиб чиқмоқда. Бадиий ижодга яқинлик Ватанни севиш, уни асраб-авайлаш туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Ота-онасини, яқинларини ҳурмат қилиш каби азалий қадриятларимизни ёдда сақлашга ўргатади. Бундай ишларнинг аҳамияти шу маънода жуда катта. Қолаверса, ҳар қандай соҳада ижодкорлик катта натижалар беради, юксак ижодий хаёлот чуқур илмий кашфиётларга йўл очади. Бу исботланган ҳақиқат. Айниқса, университетимизда замонавий ўзбек шеъриятининг ёрқин вакили Эркин Воҳидов ижоди ва ҳаётини чуқур ўрганиш орқали бунга амин бўлмоқдамиз.

“Адиблар хиёбони”да ёдгорлик ҳайкаллари ўрнатилган ижодкорлар тўғрисида яратилган “Халқ юраги” туркумидан “Эркин Воҳидов. Тирик сайёралар” деб номланган ҳужжатли фильмни яратишда Мирзо Улуғбек номидаги



Ўзбекистон Миллий университети Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги) билан ҳамкорлик олиб борди. “Эркин Воҳидов. Тирик сайёралар” ҳужжатли фильмининг кенг намойишлари ўтказилгани ҳам ёшларимиз таълим-тарбиясига самарали таъсир кўрсатади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда етакчи олий таълим муассасаси саналади. Ўз фаолиятининг кўп асрлик тарихи давомида университет илмий билимларнинг турли соҳаларида бутун дунёда тан олинган муҳим ютуқларга эришди, юз мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис тайёрлади. Юқори илмий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон Миллий университети таълимнинг деярли барча фундаментал йўналишлари бўйича юртимиз университетлари учун республикадаги таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Айни пайтда университетда 17та факултет мавжуд бўлиб, уларда 79та йўналиш бўйича 30 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Хорижий университетлар билан ҳамкорлик доирасида 16та қўшма таълим дастури амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, Миллий университет Марказий Осиёда ҳам халқаро таълим дастурларини ривожлантиришни мақсад қилган. Халқаро қўшма дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳамкор университетлар билан алоқаларни кенгайтириш, янги университетлараро тармоқ дастурларини жорий этишни назарда тутади. Бу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Миллий университети етарлича нуфузга, илмий-педагогик салоҳиятга эга. Албатта, келгусида дунёдаги энг ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илмий мактаблар, қўшма ўқув дастурлари, айниқса, ўзаро малака ошириш, кафедралараро ижодий алоқалар ва олий таълимнинг бошқа манфаатлари бўйича ҳамкорликни тобора ривожлантириб бораверамиз.

**Ином МАЖИДОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги**
**Миллий университет ректори**

### ДОРИЛФУНУНГА

Дунё тилсимларин билай деб тугал,
Одамзод зиёга интилар азал.
Тошга ўйиб илк бор ҳарф ёзган маҳал –
Бўғзидан отилган ҳайратли унсан,
Қутадғу биликсан, дорилфунунсан.

Хоразмий алжабри оламни тутди,
Беруний куррани қадамлаб ўтди,
Улуғбек юлдузлар ёнишин кутди,
Оқиллар дилида чақнар учқунсан,
Сен туркий қомуссан, дорилфунунсан.

Ўлкада авж олди жангу истило,
Гоҳи шарқ, гоҳи ғарб келтирди бало,
Маърифат олови ўчмади аммо,
Мунаввар қорилар қурган очунсан,
Тафаккур меваси, дорилфунунсан.

Не-не ҳодисотлар ўтди бошингдан,
Минг-минглар нур олди меҳр-қуёшингдан,
Юрт рози Обиду Саъди, Тошингдан*,
Дарғаларинг борки – доим бутунсан,
Маънавият нури, дорилфунунсан.

Шукрки, истиқлол сенга бўлди ёр,
Порла, Шарқ машъали, порла устувор,
Сени кутламоқда бугун ҳур диёр,
Бир юз беш ёшингда мунча гулгунсан,
Ватаним фахрисан, дорилфунунсан!

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

** Университетга ректорлик қилган ҳурматли олимлар – Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов ва Тошмуҳаммад Саримсоқов назарда тутилмоқда.*

Эътироф

# МУҲАББАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшлар тарбиясига боғлиқ, деган эди маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний. Бу каби ҳикматлар мазмунини теран англаган Гулнора Мансурова умрини илмга, ёшлар таълим-тарбиясига бағишлади. Устоз 70 ёшни қаршилаётган бўлса-да ҳамон сафда, ёш авлод тарбияси билан машғул.

Гулнора Мансурова Тошкент давлат техника университетининг рус тили кафедрасида ҳамда университет қошидаги биринчи академик лицейда узоқ йиллар дарс бериш жараёнида рус ва чет эл шоир, ёзувчиларининг асарларини астойдил ўрганган. 1991 йил “Миллий тилларнинг эркин ва тенг ҳуқуқли ривожланиши миллатлараро муносабатлар омилидир (ўзбек тили мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1992 йили Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири этиб тайинлангач, ўз устида астойдил ишлаган Гулнора Мансурова ўзбек тилига оид илмий мақолалар ва методик қўлланмалар ёзди, Ғафур Ғулом нашриётида “Ўзбек тили сабоқлари” ўқув қўлланмаси чоп этилди. 2005 йили эса “Мустақил Ўзбекистонда миллий тиллар ривожланишининг ижтимоий-фалсафий муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, фалсафа фанлари доктори бўлди. Бўлажак ҳуқуқшуносларга “Маънавият асослари” ва бошқа фанлардан сабоқ берди, ижтимоий фанлар бўйича ўқув қўлланмалар яратди. Унинг таржимонлик фаолиятида ҳам изчил илмий-ижодий изланишлари қўл келди. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг “Камтарлик ҳақида”ги шеърини Гулнора Мансурова таржимасида ўқисангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

**КАМТАРЛИК ҲАҚИДА**
**Гарчи шунча мағрур турса ҳам,**
**Пиёлага эгилар чойнак.**
**Шундай экан, манманлик нечун,**
**Кибру ҳаво нимага керак?**

**Камтарин бўл, ҳатто бир қадам**
**Ўтма ғурур остонасидан.**
**Пиёлани инсон шунинг чун**
**Ўпар доим пешонасидан.**

**О СКРОМНОСТИ**
**Как бы чайник ни кичился**
**Пиале он поклонился**
**Если все продумать и понять**
**Ни к чему и нос вверх задирать.**

**Скромнее будь,**
**запомни, что нельзя**
**Так приближать гордыню, похвалу**
**Вот почему и человек не зря**
**Пьет чай, целуя нежно пиалу.**

Бугунги кунда Гулнора Мансурова Беларусь ва Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил этилган институтда ёшларга рус тилидан сабоқ бермоқда. Шу билан бирга, талабаларни Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ўзбек мумтоз ҳамда замонавий адабиёти намояндаларининг бой адабий мероси билан яқиндан таништирмоқда. Гарчи ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юртида рус тилида таҳсил олган бўлса-да, олима ўзбек тили асосларини мустақил равишда кунт билан ўрганди, ҳар икки тилни мукаммал ўзлаштирди. У Акбар Мирзонинг “Сўнгги нидо” романини ҳам рус тилига таржима қилди. Тоҳир Маликнинг “Арафа” асари асосида киносценарий ёзди.

Серқирра ижодкор, шеърлар ёзиш билан бирга ўзбек, рус ва чет эл эстрадаси қўшиқларини маромига етказиб ижро этади. Оила бекаси сифатида ҳам ибрат бўладиган жиҳатлари кўп. Дарҳақиқат, “Муҳаббат фалсафаси” китобида ёзганидек, “Муҳаббат тушунчаси кўп қиррали бўлиб, инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Негаки, инсон ҳаёти муҳаббатсиз ҳеч бир маънога эга эмас”. Қирқ беш йилдан буён меҳр-муҳаббат билан ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган устозни куч-ғайрат ҳеч вақт тарк этмасин, деймиз.

**Гулнора НОСИРХЎЖАЕВА,**
**Тошкент давлат юридик университети доценти,**

**Дилзода ДОВУДОВА,**
**Давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси доценти,**

**Барно ФАРМАНОВА,**
**М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали доценти**

Долзарб мавзу



# «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ
## соғлом ва фаровон ҳаётни таъминлайди

**Куни кеча бўлиб ўтган Референдумда халқимиз томонидан тасдиқланган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Янги бош Қомусимизда миллий иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқи кафолатлари мустаҳкамланган бир шароитда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳам комплекс чоралар белгиланди. Сўнгги йилларда автомобиллар сони кўпайиб, ҳар йили атмосфера ҳавосига 2,2 миллион тонна саноат ва транспорт ташланмалари чиқарилаётганини эътиборга олсак, ушбу масаланинг нақадар долзарблигини англаш қийинмас.**

Тўғри, мамлакатимизда кўп йиллардан буён атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган нормага кўра, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитни зарарли таъсирлардан сақлаш мақсадида шаҳарсозлик фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш кўзда тутилдики, ушбу ҳолат эндиликда масалага янгича ёндашувни тақозо этади. Шаҳарларнинг бош режаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказиш шартлиги ҳақидаги конституциявий қоида ҳозирги шароитда тобора долзарб бўлиб бораётган шаҳарсозликка оид масалаларни халқ билан бамаслаҳат ҳал қилиш имконини яратди. Айниқса, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлангани аҳоли ва келажак авлод учун экологик тоза ҳудудни сақлаб қолишнинг конституциявий кафолатидир.

Таъкидлаш жоизки, бундай кенг қамровли вазифаларни фаоллик ва изчиллик билан амалга ошириш учун “яшил” иқтисодиёт иқтисодий ривожланиш моделининг республикамиз ҳаётига татбиқ этилгани алоҳида эътиборга молик. Бу саъй-ҳаракатлар Республикадаги Ер ресурсларига бўлган масъулиятни ва тежамкорликни белгиловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Табиий ресурсларнинг чекланганлиги, уни қайта тўлдириш имкони йўқлиги мазкур масаланинг муҳимлигидан далолат беради.

“2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент қарорида “яшил” иқтисодиётни амалиётга татбиқ этиш борасида қатор амалий чора-тадбирлар белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад “яшил” иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигига имкон берувчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдир. Стратегияда белгиланган мақсадларга эришиш учун, аввало, технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш лозим.

Бунда давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган “яшил” мезонларни киритиш устувор вазифа саналади. Қолаверса, давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашилади. Шунингдек, таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига “яшил” иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш имкони яратилади. Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чоралари кўрилмоқда. “Яшил” иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётгани эса, янги лойиҳаларнинг истиқболидан дарак беради.

Ушбу тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат раҳбарининг тегишли қарори билан 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтишни таъминлаш Дастури қабул қилинган. Технологик модернизация ва “яшил” технологияларни жорий этиш учун молиявий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, энергияни тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни аниқлаш, иқтисодиёт тармоқларида энергия менежменти орқали энергия самарадорлигини сезиларли даражада ошириш Дастурнинг асосий мақсад ва вазифаларидандир.

Дастурда Ўзбекистон Республикасида табиий ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиётнинг табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига нисбатан барқарорлигини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиёт, хусусан, саноатнинг “яшил” ва кам углеродли ривожланишини таъминлашдек устувор йўналишлар белгиланган. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда инновацияларни жорий этиш ва самарали “яшил” инвестицияларни жалб қилиш, барқарор ва инклюзив “яшил” урбанизацияни ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш даврида катта таъсир остида бўлган аҳоли ва уларнинг яшаш жойларини қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Тарихдан маълумки, инсоният табиатга нисбатан фақат сарфлаш ва исрофгарчилик қилишдек бирёқлама муносабатда бўлган. Бундай ёндашув оқибатида атроф-муҳитга кучли ва ҳалокатли зарба берилган. Шу боис жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида “яшил” иқтисодиётни ўз вақтида жамият ҳаётига татбиқ этишга киришилди. “Яшил” иқтисодиёт доирасида “барқарор ривожланиш” тушунчаси 1987 йилдаги БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ривожлантириш Халқаро комиссияси маърузасида илк бор тилга олинган. Мазкур ҳужжатда белгиланган тадбирлар режаси атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда инсоннинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Барқарор ривожланиш учта таркибий қисм мутаносиблиги шароитида юзага келади: иқтисодий ўсиш, ижтимоий жавобгарлик ва экологик баланс. “Яшил” иқтисодиётнинг вазифаси – мазкур уч элементни бир-бирига уйғунлаштириш ҳамда мавжуд зиддиятларни камайтиришдан иборатдир.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 2015 йилда ушбу дастурни амалга ошириш бўйича 17 устувор йўналишни ишлаб чиқди. Улар қуйидагича: иқтисодий соҳада қашшоқлик ва очарчиликни йўқотиш, индустрлаштириш, инновациялар, инфратузилма, муносиб иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш, масъулиятли ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолни амалга ошириш, иқтисодий нотенгликни камайтириш ва ҳоказо. Экологик жиҳатдан эса, тоза сув ҳамда экологик энергия, иқлим ўзгариши билан боғлиқ самарали чора-тадбирларни қўллаш орқали қуруқликдаги экотизим ва денгиз экотизимини сақлаб қолиш мақсад қилинган. Одамлар саломатлиги ва муваффақиятини белгилаш, сифатли таълимга эришиш, гендер тенглик, самарали институтлар яратиш, халқаро ҳамкорликни келажак авлодларнинг манфаати йўлида олиб бориш сингари талай мақсадлар орқали ижтимоий соҳа ривожлантирилади.

“Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш хўжалик фаолиятини ташкил этиш билан биргаликда, биомаконни ва инсоният тамаддунини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бу турмуш фаровонлигини ошириш билан бирга, биомаконнинг яхлитлиги ва таҳдидларсиз ривожланиши билан боғлиқ жараённи барқарорлаштиради. Қайта тикланадиган энергия манбаларини киритиш, чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва бошқа талай вазифалар “яшил” иқтисодиёт тизимининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёни мамлакатнинг устувор йўналиши сифатида қабул қилиниб, уни тизимли равишда миллий иқтисодиётга татбиқ этиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ушбу ҳаракатлар нафақат миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини, балки атроф-муҳит софлилигини сақлаб, Ўзбекистон халқининг соғлом ва фаровон ҳаёт кечиришини ҳам таъминлайди.

**Қаҳрамон ШААКРАМОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент**

# ОДАМ МЕҲНАТИ БИЛАН ОДАМ

## “Қорақалпоқнома”дан парчалар

**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**



Адабиёт — ҳар ким кириб, тўйиб кетаверадиган тўйхона эмас. Шуҳрат тақсимлайдиган таванхона ҳам эмас. Табиат ато этган чинакам истеъдодингга қўшимча атрофлича билиминг, ақл-фаросатинг, одамзод учун қимматли эзгу ниятинг, пок виждонинг бўлсагина “Адабиёт” деб аталмиш муҳташам қасрнинг дарвозасига яқинлашишингда маъни бор. Унутма: бу даргоҳнинг тўрида Гомер, Данте, Умар Хайём, Навоий, Шекспир, Маҳтумқули, Гёте, Пушкин, Бальзак, Лев Толстой, Бердақдек сиймолар ўтиришибди. Улар адабиёт даргоҳига қабул қиладими – йўқми, ҳамма гап мана шунда!

**Маҳорат мактаби**

* * *

Адабиётдаги новаторлик эски бино ўрнида тикланган янги бинонинг ўзига хослигидек нарса эмас. Назаримда, Лев Толстойга хос новаторликнинг муҳим белгиси — ҳаётни, одамлар қисматини, характерларни бутун мураккаблиги билан бевосита ёритганида, батафсил тасвир ва таҳлил этганида, уларни оширмай ё камайтирмай, айнан кўрсата олганидадир.

Лев Толстойни яқинроқдан таниганим сайин юрагимни ваҳима босаверди.

* * *

Халқидан ўрганмаган ёзувчи — бемақсад тентираган кема. Бундай кемалар адабиёт уммонида, афсуски, оз эмас. Аммо Лев Толстойни халқдан ўрганиш ва халқнинг руҳий чанқоғини қондиришнинг бемисл намунасини кўрсатган буюк толиб ва буюк устоз дейиш мумкин. Адабиёт тарихи ундан оламшумулроқ ёзувчини ҳали билмайди.

* * *

…Билиш жараёнининг чеки-чегараси йўқ, аммо билимнинг чегараси бор. Одамнинг билими, маънавий-маданий савияси унинг ҳар бир иши, хатти-ҳаракати, гап-сўзида аён кўриниб туради. Шу ташқи аломатлар орқалиёқ бошқа одамни била оладиган киши, бир сўз билан айтганда, мутафаккирдир.

* * *

Ҳаётнинг бошқа жабҳаларида бировга биров суянчиқ бўлиши мумкин. Адабиётда сенга ҳеч ким тиргович бўлолмайди. Ёзувчиликка ҳеч ким ҳеч кимни ўргатолмайди. Бировнинг сенга ижирғаниб қарамай, астойдил хайрихоҳ бўлиши учун, аввало, ўзингда мустаҳкам пойдевор яратишинг шарт!..

* * *

Ўзинг туғилган овулда турибоқ буткул инсоният тақдирини ўйлаш, кишилик жамияти тарихи, унинг келажаги ҳақида қайғуриш мумкин.

Мен кичкинагина бир халқ вакилиман, ҳаммадан юксакроқ чўққига интилишнинг нима кераги бор, дема. Ҳамма халқларнинг эрки ўзида. Бироқ ҳеч бир халқ ўз ҳолича ривожланмайди. Адабиёт ҳам яхлит бир организм: унинг кичиги йўқ.

* * *

Она юртингга, она халқингга қандай кўз билан қараш керак – энг муҳими мана шу! Буюк ёзувчиларнинг сезгирлиги, интуицияси, ноёб истеъдоди, бутун қудрати, аввало, шунда бўлса керакки, улар жузъий бир воқеада бутун жамият аҳамиятига молик моҳиятни кўра олади.

* * *

Гомерни ўқиганда қадимги дунёнинг афсонавий манзаралари, Дантени ўқиганда Ўрта асрларнинг бадиий тафаккур уфқлари, Умар Хайёмни, Навоийни ўқиганда муаззам Шарқ донишмандлиги, Лев Толстойни ўқиганда XIX асрда фавқулодда жунбишга келган Россия, Михаил Шолоховни ўқиганда инқилоб даврининг бутун мураккаблиги кўз олдингда рўй-рост намоён бўлади.

Нима учун шундай?

* * *

Дунё фақат икки қутбдан: яхши билан ёмондангина иборат эмас. Муҳими – ёмонни ёмондан, яхшини яхшидан фарқлай олиш. Бу иш ҳар хил воситаю бўёқларнигина эмас, аввало, пўлатдек мустаҳкам ирода, қатъий мантиқни талаб қилади.

* * *

Классик адабиётни ўқимай, билмай туриб, ёзувчи бўлишга интилиш ҳеч бир устахонани кўрмай моҳир дурадгор бўлишни хаёл қилиш билан тенг.

* * *

Буюк рус ёзувчиларидан Успенскийнинг кўпроқ статистикага, Короленконинг публицистикага мойиллиги, Лев Толстойнинг аввалбошдан фалсафа ва тарихга мустаҳкам таянгани, Тургеневнинг даврга хос сиёсат, замон оқимига ҳамоҳанг асарлар ёзгани хусусида кўп лекциялар тингласам-да, уларнинг айрим асарларини синчиклаб ўқиш натижасида шуни фаҳмладимки, бу санъаткорларнинг ҳеч бирини лекцияда айтилган айрим ўзига хосликлар билангина чеклаб қўйиш мумкин эмас экан. Бошқача айтганда, уларнинг бирига хос хусусиятларни иккинчисида, учинчисида… ҳам топиш мумкин экан.

* * *

Одам меҳнати билан одам. У дунёни ўзига хос идрок этиш йўлидаги муттасил интилиши, бетакрор руҳий олами туфайлигина одам!

* * *

Фёдор Достоевский яратган уммон шу қадар теранки, унинг ҳар бир асари билан танишганингизда, дам ёруғликда туриб қоронғиликка қараётгандай, дам зулмат исканжасидан халос бўлиш учун олис-олисларда милтираган хира шуълага талпинаётгандек бўлади киши! Назарингда, шу шуъланинг нарёғида мангу фароғат ўлкаси ястаниб ётгандек. Такрор-такрор ўқиганингиз сари хаёлингизни асир этган манзаралар тобора кенгайиб, жозиба касб этиб, ойдинлашиб бораверади. Санъатнинг бош мақсади – одамдан одам қидириб топишдир, деган мутафаккир ёзувчи ҳар бир қаҳрамонида одам боласининг нечоғли муаммолигини кўрсатибгина қолмай, бу муаммони ҳар бир асарида бетакрор тарзда ечганига амин бўлаверасиз.

* * *

Буюк рус адабиёти билан яқинроқдан танишиш туфайли унинг тўрт буржида қад кўтарган бири-биридан маҳобатлироқ, бақувватроқ тўрт чинор кўз олдимда намоён бўлди: Пушкин, Лев Толстой, Фёдор Достоевский, Михаил Шолохов. Бу чинорларнинг ҳар бири ўзича, бири иккинчисига дахлсиз тарзда яшнаб турган бўлсалар-да, аслида уларнинг илдизлари рус заминининг туб-тубида ўзаро туташиб-чатишиб кетган.

**Қорақалпоқчадан Раҳимжон ОТАЕВ таржимаси.**

# ЎЗЛИГИМ БУ, ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

**Тоҳир ҚАҲҲОР**



## БУ КИТОБ

*Қасида*

Бу китобдир жисм ила жоним менинг,
Бунда ҳар сўз – жони сўзоним менинг.

Бу – қадим ишқим, оқар қоним аро,
Ҳар калом ичра оқар қоним менинг.

Бу варақ осмон мисол доим очиқ,
Бу қалам – офтоб, ёзар шоним менинг.

Бу – ўзим, ўзғир замоним, ўз сўзим,
Ўзлигим бу, Ўзбекистоним менинг.

Тўрт томоним – дард битилган тўрт китоб,
Қай тараф юрсам, йўқ имконим менинг.

Чунки чексизлик кўзимни боғламиш,
Банди этмиш моҳи тобоним менинг.

Бу – тарозусиз фалак, мезони йўқ,
Дил кўзим – оламда мезоним менинг.

Бу сукут – ғафлатда сўнган йилларим,
Ёнмаган умрим – зимистоним менинг.

Ой кезар ёлғиз, кўзим ойбон эрур,
Нурли шундан тунда айвоним менинг.

Бу заминни дейдилар карвонсарой,
Тўхтамас лек бунда карвоним менинг.

Кун-туним бир оқ-қаро карвондурур,
Қай тараф бошлар у сорбоним менинг?

Бу – самосиз чўлга тушган йўлларим,
Бу хаёл – юрган биёбоним менинг.

Бу шамолким, шиддатимдан қўзғолур,
Кўкка ўрлар оҳу афғоним менинг.

Бу қуюнким, бир уюм қум жониким,
Қумга эврилган руҳистоним менинг.

Бу – фалак тожи қуёш, дардли башар,
Бу – элим дарди, чароғбоним менинг.

Бу оқар дарёни ютган кўл эрур,
Кўлга тошдай чўкди бўстоним менинг.

Кўлми тўлган ёки паймонаммикан?
Хасми бу сувларда, паймоним менинг?

Бу – кўзимда ётган эрк уммонидир,
Бу – кўзимда қотган уммоним менинг.

Йўқ, бу диллар дарди, дарёи ниҳон,
Бу – элимнинг дарди, дармоним менинг.

Бағритошлик қилма, ёр, бағрим ёнар,
Тош заминим, тошдир осмоним менинг.

Бу – дилим армониким, ўлсам агар,
Сўнгагимда қолгай армоним менинг.

Бу – ғариб қиш, қушлари оч, донталаб,
Чарх уриб, истар улар доним менинг.

Бу баҳор, бир фасли пайғамбар эрур,
Мўъжизотдан ақли ҳайроним менинг.

Бу – ёнар ёз, ер ёнар, халқим ёнар,
Ғам чекар, кўксимда кулдоним менинг.

Ўз китобин бир хазондек ёкди куз,
Бу китоб – қабри, хиёбоним менинг.

Бу – ҳақир жисмимдаги оҳанги ишқ,
Жилваси жоний бу жононим менинг.

Бу – нигоҳим етмаган бир нуқтаким,
Ундадир умри нигоҳбоним менинг.

Бу – ёмон инсонларим, кофирларим,
Яхшилар – мўъмин, мусулмоним менинг.

Бу ўша Нуҳ кемаси, сайёра Ер,
Ер – бугун сайёра имоним менинг.

Бу – тўфонли бир замин, ўтлиғ ўлим,
Бадниятлар ўтли тўфоним менинг.

Бу ўтар кунлар ўтар, мажҳул бўлар,
Мажҳул ўлгай росту ёлғоним менинг.

Бу – жаҳонгирларни еб-ютган жаҳон,
Бунда қалбимдир жаҳонбоним менинг.

Бу – мунофиқ дўстки, дўстдан жонталаб,
Зулм этиб, истар у исёним менинг.

Дўст уйин дўзах этар дўстдан қочай,
Дўст уйи – дунёда ризвоним менинг.

Бу – Ҳиротдан янграган устоз сўзи:
“Бас, сўғишманг турку афғоним менинг!”

Бу – Бухородан таралган шуълаким,
Унга чопгай руҳи урёним менинг.

Бу – Самарқанддаги бир шамсиз мозор,
Бу ёниқ шам – чашми гирёним менинг.

Бу – тирик Фарғонада ўлган шаҳар,
Ахсикент бу, бунда сирдоним менинг.

Бу – жаҳонда энг қадим бобил ери,
Тилда қондош Бобилистоним менинг.

Навқирон Тошкент будир, Шош мақбари
Узра бунёд шаҳри албоним менинг.

Бу – Ҳалилуллоҳ ёнар гулханли ер,
Бу – дилим, ёнган гулистоним менинг.

Бу – қариб, ўтларга тушган кекса Шарқ,
Бу қуёшлиғ бир шабистоним менинг.

Бунда аждод ақлидан бебаҳралар –
Аҳли тун, бечора, нодоним менинг.

Бунда ўз маъбадларин бузган улус,
Кўҳна шаҳри, мулки вайроним менинг.

Бундадир ўз урфини хор этган эл,
Чангда ётган илму ирфоним менинг.

Бундадир ўз юртининг фотиҳлари,
Бунда забту зулму қурбоним менинг.

Эй сўйиқ Шарқ, эй буюк ғафлатга ғарқ,
Кўз оч, эй дунёга посбоним менинг!

Сендаги манзар этар ақлимни лол,
Ўз-ўзин алдарму ҳар оним менинг?

Йўқ, ҳаёт ўзгартирар кунлар йўлин,
Бу – ўлимдан қўрқмас Инсоним менинг!

Бу – қадим Турон ери, Шарқ кўкси бу,
Юрти поким, бу ҳалол ноним менинг.

Бу – ватаннинг дарди, даврим тожи бу,
Тожини кийдирди давроним менинг.

Бу – менинг қоним оқиб турган болам,
Жонпаноҳ, шоҳим, саройбоним менинг.

Мен етолмас нурга, шаксиз, у етар,
Тоҳир, ўлсам, йўқ пушаймоним менинг.

## МАДАНИЯТ САВАШИ

*(Ўзбек ўқитувчиларига)*

Боқинг Мусо миллатига – бутун Ер узра яшар,
Бу асрни бошқарётган тахтсиз қиролдир улар;

Учраб Тангри қарғишига тарқатилган давлатин,
Икки минг йил ўтиб, қуриб, тиклаётир қудратин.

Чунки улар суянган тоғ – миллий ақл, машъала!
Бу дарбадар элни доим яшатди у нашъа-ла.

Эй миллатим, букун эркин ишлатайлик ақлимиз –
Бобомерос шу ватанда бой яшашга ҳақлимиз.

Ғафлат босиб, ёв бостириб, бир асрни бой бердик,
Не бахт, яна шу жаҳонга Темур билан қад кердик.

Боқинг, Ерни титратмоқда маданият саваши –
Миллат ақлин босиб олмоқ эрур ёвлар ҳаваси.

Курашмасак, забт этурлар бугуноқ келажакни,
Шунинг учун жондай асранг ҳар бир миллий юракни!

Эй устозлар, сиз таълимни миллий онга қаратинг,
Ҳар бир қалбда бир Туркистон, Ўзбекистон яратинг!

## УЛАР ҚАЙТАР

У ён оқил, бу ён жоҳил, улар қайтар, булар қайтмас.
Минорлардан чақир минг йил – улар қайтар, булар қайтмас.

Элу юртни қўйиб, ўзни яшатганлар эмас биздан,
У ён қурбон, бу ён қотил, улар қайтар, булар қайтмас.

Ўғуз, Чингиз, Темур, Бобур енгилмай от сурурлар, боқ,
У ён Турон, бу ён Туркэл, улар қайтар, булар қайтмас.

Одамдан бир уруғдирмиз, бу Ерда энг улуғдирмиз,
У ён Ҳобил, бу ён Қобил, улар қайтар, булар қайтмас.

Ҳар эл дунёни олсам дер, узоқроқ тахтда қолсам дер,
Бу ён Калдон, у ён Бобил, улар қайтар, булар қайтмас.

Улар – сенсан. Буюк тарих яшар ҳар кун ўзинг бирлан,
Сўзинг билдир, ўзингни бил, улар қайтар, булар қайтмас.

## КЕЛСА-КЕТАР

Яхшиси шу яхшига бор, ҳар не ёмон келса-кетар,
Бошима не келди дема, ҳар не замон келса-кетар.

Қайғуланиб турма, Нуҳим, босса-босар Ерни бу суй,
Ёнса-ёнар, ўлса-ўлар, ҳар не тўфон келса-кетар.

Очунимиз – Тангри иши, Кўкда Ўған, Ерда Киши,
Ҳар эрану ҳар ялавоч, эски шамон келса-кетар.

Қум суғориб, экса оғоч мўмин улус, бек ила хон,
Ҳар оломон, ҳар не ялон, ҳар таламон келса-кетар.

Ким чидаса бунда яшар, йўқсулу бой ҳақ талашар,
Кимга тегар буғдойу ош, кимга сомон, келса-кетар.

Тангри берур жаззасини золимининг, мазлумининг,
Бунга куйиб сурма қалам, ҳар не сурон келса-кетар.

Эски работ депти буни, ваҳшатобод депти буни,
Боғлама кўп унга ўзинг, эл-оломон келса-кетар.

Тоҳир, ариқ эрса сўзинг, юртда яшар эрта Ўзинг,
Кетказа олмагай сени – ҳар не қирон келса-кетар.

## ТУЗУКЛИК

Бу кўкларни тутиб турган тузукликдир – адолатдир,
Бу Ерни мунгга тўлдирган бузуқлик, зулму ғафлатдир.

Куфр бирла йиқилмасдан турармиш мамлакат, аммо
Зулм бирла йиқилмишдир не давлатлар, бу ибратдир.

Адолатсиз жамиятдан на юрт қолди, на эл қолди,
Ўлик тилларни қолдирган адолатсиз жамиятдир.

Қўлингни ё тилингни, бек, чўзолмассан у кўшкингдан:
У гўр, зотан мозорликдир, чирик, ваҳшатли зулматдир –

Ўликлар ҳукм этолмаслар, адлни топтай олмаслар,
Қутулди яхши эл сендан, қутулмоқ на саодатдир!

Бу бошингда чурук бошлар эмас, Тангринг турур, Тоҳир,
Яшаш ёлғиз бугунмасдир, ҳаётинг то қиёматдир.

## Мангу лаҳза



**Суратда:** *(чапдан ўнгга) атоқли адиблар Абдулла Орипов, Миртемир, Иброҳим Юсупов.*

*Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, агар ҳаёт бўлганида, бу йил саксон ёшни қаршиларди.*

*Омон Матжон ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида шеърият майдонига кириб келди. Ўқувчилик йилларида илк шеъри "Янгибозор кўзгуси" газетасида босилган. Бу шеър "Балиқ ва чирик тўр" ҳақида эди. Омон Матжон замонавий ўзбек адабиёти хазинасини ўзининг гўзал лирик шеърлари, драматик достонлари, насрий сочмалари, шеърий қисса, тарихий драма, бадиалари билан бойитди. Шоирнинг ўттизга яқин шеърий тўплами чоп этилган. Кўплаб шеърлари дунё тилларига таржима қилинган.*



# ОЧИҚ ДЕРАЗАЛАР

Омон Матжон ўзбек мумтоз адабиётининг йирик мутафаккирлари Алишер Навоий ҳазратлари, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Махтумқули ижодий анъаналарини маҳорат билан давом эттирди, ўзбек адабиётига Хоразм миллий оҳангларини олиб кирди. Айниқса, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд, Маҳмуд Ғазнавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Хоразмшоҳ, Дравор хоним, Хўжа Аҳрор Вали каби тарихий шахслар образини бадиий гавдалантиришда драматик достонлар, драмалар, бадиалар яратди.

Омон Матжоннинг илк шеърий тўплами "Очиқ деразалар" 1970 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган. Бу мўъжазгина шеърий китобга жами 59та шеър жамланган. Китобга кирган "Очиқ деразалар", "Юракка", "Кўзларингни яширгил мендан", "Шеърият", "Беланчакда ётар коинот", "Бошқалардек севишдик биз ҳам", "Қўшни деразадан куй куйилади", "Эшигингдан ўтаман..." каби шеърларидаги жўшқин туйғулар муҳаббат, айрилиқ, қалб, шеърият, ижод, ошиқ, висол, бахт, чинакам соф севги ҳақидаги ўзига хос поэтик бадиий топилмалар китобхон руҳониятига кучли таъсир этади. Ички туйғуларнинг ўта нозик руҳий тасвири кишини ҳайратлантиради. Зеро, "Очиқ деразалар" шеърдаги қуйидаги мисраларга эътибор қаратсак:

**Аммо нечоғ оғир,**
**Эх, оғир менга –**
**Ўзга деразага боқмоқ суқ билан.**
**Мен ўз деразамни орзу қиламан**
**Ёгдуси, сояси, кулгиси билан.**

Омон Матжон илк шеърий тўпламига кирган шеърлари билан Муҳаббат куйчиси – ички ҳиссиётларнинг моҳир тасвирчиси сифатида танилди. Шоир ижодида муҳаббат мавзуси ёлқинланиб, маромига етиб, "Сени яхши кўраман" шеърий туркумида янада баланд чўққига чиқди. Шеър муҳибига айланган мухлис бу туйғуларни қачонлардир ҳис этган, бошидан ўтказган ҳиссий кечинмаларнинг образли бадиий ифодасини ўқиб ҳайратланган. Сохир руҳий ҳолатни сўз заргари Омон Матжон ниҳоятда муносиб тарзда ифодалай олган. Беихтиёр бундан мутаассир бўлиб, шоирнинг сўз қўллаш маҳоратига қойил қоласиз. Жумладан:

**Азизам, юлдузлар фалакда бахтли,**
**Инсон ўз қалбида –**
**юракда бахтли...**
**Сен сира ўзингни нурга солмайсан:**
**"Анавилар бор-да, ўшалар..." дейсан.**

**Гулим, "ўша"ларга ўчма-ўч очил,**
**Сенинг учун боғлар бўш, очил!**
**Уларни қўявер, улар қолмаслар,**
**Чунки бизлар каби сева олмаслар!**

Шоир маъшуқанинг "Анавилар бор-да, ўшалар..." деган ўзлаштирма гапини мисраларга сингдириб юборар экан, шеърда ўзига хос халқона оҳангни таъминлаган. Шоир шеърий туркумга жамлаган ўн иккита шеърида армонли муҳаббат, соғинч, айрилиқ, ҳижрон, ишқ тарихи, умрнинг асл моҳияти севиб яшаш эканини ниҳоятда ширали тилда куйлайди. Шунингдек, лирик қаҳрамоннинг севгилисига ҳамдардлиги ошиқ-маъшуқа ўртасидаги самимий муносабатларга ниҳоятда аниқ ва тиниқ бадиий чизгилар беради.

Масалан, Омон Матжон соғинч туйғусини образли тилда юракда қатланиб ётган рангин ипакка ўхшатади. Ошиқ қалбида кечаётган изтироб "Соғинч" руҳий ҳолатини ёрнинг йўлига кўз тикиб турган миллион япроқли дарахтга менгзайди. Шу туркумга кирган "Умр ўтар, вақт ўтар" шеъри эса халқимиз қалбидан чуқур жой олди.

Шоир "Сен кетурсан, изингдан" шеърида қисқа ҳижоли мисралардан фойдаланиб, мисралар охирида "жим, жим", "тим, тим", "лим-лим", "дим, дим", "ким, ким" сўзларини қофиялар орқали равонлик, соддалик ва мусиқийликни таъминлаган. Агар шеърнинг фақат қофиясини мезон сифатида олиб унга баҳо берсак, бу шеър деб аталган адабий жанрга ўта жўн ёндашув бўлади. Шу ўринда "Сен кетурсан, изингдан" шеърини парча келтирамиз:

**Сен кетурсан, изингдан –**
**Мен боқурман жим, жим.**
**Менга қолди кўзингнинг**
**Қаролиги тим, тим.**

Мазкур шеърда шоир муҳаббатнинг синовли, ниҳоятда оғир руҳий айрилиқ ҳолатини содда, аммо мазмунан теран мисраларда бадиий талқин этади. Шоир "айрилиқ" мотивини жонли тасвирлаш мақсадида "кўз қоралиги", "қора кун", "қора қисмат", "кўз қароғи" образли ифодаларни ишлатади. Натижада шеърда кутилмаган сўз ўйини, оҳорли поэтик таъсирчанликка эришади.

Шоирнинг "Ўртамизда биргина олма" шеърида эса олма поэтик образи соғинч рамзи сифатида бадиий талқин этилади. Аслида, олма халқ оғзаки ижодида "муҳаббат" рамзи сифатида келади. Омон Матжон Хоразм халқ лапарларида кўп учрайдиган ушбу образнинг бадиий маъно уфқларини янада кенгайтириб, олма образини соғинч рамзи сифатида тақдим этади:

**Ўртамизда биргина олма,**
**Гард тегмаган, бирам покиза.**
**Ҳозирча у рангин бир ҳавас,**
**Лаб тегса бошланар мўъжиза...**

Омон Матжоннинг муҳаббат мавзусидаги барча шеърларида севгидан қалби озорланган лирик қаҳрамон образи ҳам, ошиқ ва маъшуқа тимсоллари ҳам ўта шарқона, миллий, ҳаёли, иболи, нозик пардага ўралган ҳолда тухфа этилади. Буни сезмаслик, ҳис қилмаслик мумкин эмас.

Шоирнинг яна бир машҳур "Эшигингдан ўтаман..." шеърида ҳам чинакам муҳаббатнинг умрбоқийлиги, унутилмаслиги, йитмаслиги, одам умри ўтса ҳамки, илк муҳаббат юрак тубида барибир сақланиб қолиши таъсирчан ҳамда халкчил руҳда ёзилган. Охирги банд шундай:

**Вақтим етиб чиқса бу жоним,**
**Дардларимга ясалса якун,**
**Бу дунёни тарк этар оним,**
**Эшигингдан ўтурман бир кун.**

Шунингдек, шоирнинг "Мен ишқимни айтолмасам ўзингга", "Сендан хабар келтирса" шеърларида ҳам муҳаббат ишвалари ўзгача услубда бадиий талқин этилади. Масалан:

**Мен ишқимни айтолмасам ўзингга,**
**Баланд тоққа бориб солай ҳаё-ҳу!**
**Пойинг узра дарё бўлиб тўлғонсин,**
**Чўққиларнинг бошидаги оқ уйқу.**

Лирик қаҳрамон севганига севишини айтолмайди, шу боис у дил изҳорини булутларга, тоққа, калдирғочга айтади, юрагида бор дарди аламини табиатга тўкади. Унинг севгиси шу қадар кучлики, Ошиқ муҳаббат азобида ўртанаётганини булутга айтганида, унинг дардининг зўридан чақмоқ чақади. Ошиқ муҳаббат изтиробини тоққа айтганида, чўққилар бошида қору музлар эриб, дарё бўлиб тўлғониб оқади. Ошиқ ўз дардини қалдирғочга сўйлаганида, қуш унинг севги изҳорини маъшуқага етказиш учун унинг уйи бўғотига ҳар йили уя қуради ва ҳоказо.

Омон Матжоннинг "Яратганга шукр, сен яна келдинг" шеърида ишқни "эски дардларни янгилатгувчи", "узоқ йўлларни яқинлатгувчи", "хотирани поклантирувчи", "Ишқи омонларни яшартирувчи", "кўҳна дардларни янгилатувчи" катта куч сифатида таърифлайди. Масалан:

**Яратганга шукр, сен яна келдинг.**
**Ҳамма қонунларнинг ўзгарди кучи.**
**Сенга мен узундан-узун от қўйдим:**
**"Эй, кўҳна дардларни янгилатувчи!".**

Омон Матжон адабиётимизда жуда кўҳна, аммо ҳеч қачон эскирмайдиган, янгиланаверадиган Муҳаббат мотивининг теран қатламларини, қабатларини бадиий кашф этишда бетакрор Шоир даражасига кўтарила олди.

Дунё ва ўзбек адабиётида минг йиллардан бери куйланиб келаётган муҳаббат мавзуси Омон Матжон қаламида ранго-ранг, бетакрор, умуминсоний моҳият касб этди.

**Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,**
**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти етакчи илмий ходими**

Китобингизни ўқидим

**Яқинда Зухра Бегимнинг "Самарқанддан эсган саболар" номли янги китоби чоп этилди. Китобда Ватанга, она қишлоққа, ота-она, табиат, ишқ, муҳаббатга бағишланган шеърлари жамланган. "Юртим, тупроғингни кўзга суртгайман", "Ишқ фасллари", "Манзаралар", "Беш кунлик дунёда", "Ошиқ қалбнинг қулоғига муҳаббатдан изҳор келди", "Мухаммаслар", "Достонлар" каби бўлимлар, лирик шеърлар, сонет, мухаммас, баллада ва достонлар мавзулар ранг-баранглигини таъминлаган.**

# ШЕЪР – ДИЛ РОЗИ

Камина шоиранинг олдин нашр этилган китобларини ҳам мутолаа қилганман. Бир қарашда, бу китобни кичик сайланма дейиш мумкин. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ушбу тўпламдаги "Ижод кувончи" сарлавҳали сўзбошисида ёзганидек: "Зухра Бегим талантли шоира,




унинг шеърларида ўзига хос таровват бор. У кўрган-билган, ҳис қилган, бошидан кечирганлари ҳақида ёзади. Ҳаёт ҳақиқатидан, ҳар қанча аччиқ бўлмасин, чекинмасликка ҳаракат қилади. Энг катта ютуғи, бу – унинг битикларидаги самимият ифодаси, очиқ кўнгилнинг изҳорлари, дард-изтиробларини ўқувчилардан яширмаслик, балки унга ёрилиш, унинг билан баҳам кўриш фазилати борлигидир".

Зухра Бегим ўз шеърларида ҳаётнинг барча қирраларига назар ташлашга интилади ва талқинда яхши натижаларга эришади. Уларни ўқиб ўқувчи дардларига ҳамоҳанглик сезади, бўладиган сатрларни топади. Бугунги Самарқанд, Наврўз, она тил ҳақидаги шеърлар Ватан мадҳига бағишланган. "Назмий сабоқ сирларини Лутфий хўп хитоб этмиш, Навоийнинг ишқи ила номинг оламга кетмиш!", дея ғурурланади шоира "Она тилим" шеърида. Она қишлоғи ҳақида ёзар экан, "Кўчалари қумлоқ тошлоғим...", дея қишлоғини суюб ардоқлайди.

"Ишқ фасллари"ни бўлимидаги шеърларда шоира ишқ, муҳаббат, гул, ошиқлик, соғинч ва қалбнинг нозик ҳис-туйғулари ҳақида ёзади ва ишқ-муҳаббатни Яратганнинг буюк неъмати эканлигини таъкидлайди. Ошиқлар соғинчи, изтироби акс этган сатрлар ўқувчида шеърий кайфият уйғотади. "Руҳимизга куч берди дийдор, Ўз-ўзидан енгилди қайғу..." деб ёзаркан шоира ошиқ-маъшуқлар учун дийдорнинг бебаҳолигини, қайғуларни енгишига қодир қудратли кучлигини уқтиради. Бошқа бир шеърида ишқ "жим туриб севиш... Худо берган ширин дард", деб таърифланади. Ҳаётий ва самимий таъриф.

"Ота-онам чинорим эди" номли шеърда шоира ота-онанинг ғанимат сиймолар экани, уларнинг ўрнини ҳеч ким боса олмаслиги, меҳри бебаҳолигини қисқа, самимий мисраларда ифодалашга ҳаракат қилади. Айни пайтда, улардан айрилиш изтиробини, улар қалбда мангу яшашини турли образлар, ташбеҳлар, таъсирчан иборалар ифодалайди:

**Ота-онам – икки қанотим,**
**Мен парвози учқур қуш эдим.**
**Неки бўлса етиб саботим,**
**Умри фароғ, кўнгли хуш эдим...**
**Йўлларимга интизор эди.**
**Шундай буюк бахтим бор эди...**

Шоира табиат манзараларидан ҳайратга тушиши, тонг отиши, баҳор мўъжизаси, ёмғирли кунлар, муҳаббат фасли, саратон, ёз, куз, қиш фаслларининг ўзига хос кўрку чиройи ҳақида завқланиб қалам тебратади. Ўқувчи бу шеърларни ўқиб, ўзини табиат қўйнида юргандек тасаввур қилади.

Шоиранинг мумтоз шеъриятимизга мурожаат қилишлари, ундан ўқиб-ўрганишлари қувонарли ҳодиса. Шу ўринда Навоий ғазалига мухаммасидан бир банд келтирамиз:

**Беҳижоб илгида бор кайфу сафо,**
**Не ситамким, ёрни**
**деб чекдим жафо.**
**Кўнгил зулфин очгум,**
**асраб мусаффо,**
**Басе ваъда бердинг**
**қилай деб вафо,**
**Ҳамин ваъда қилдинг,**
**вафо қилмадинг.**

Адабиётимизнинг йирик намояндалари Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова хотирасига бағишланган "Садоқат ва матонат", "Муҳаббат қасри", "Мангу руҳлар суҳбати" сингари достонлар китобни мазмунан бойитган. Достонларда муаллиф улуғ сиймоларнинг мураккаб ҳаётини тасвирлайди, буюк тарихимиз билан фахрланиш туйғусини тараннум этади. Уларнинг руҳи Самарқанд заминида кезиб юрганини ҳис қилади.

Ҳа, шеър – кўнгил изҳори. Талантли шоира Зухра Бегим ижодининг қайноқ паллаларини бошдан кечирмоқда, янгидан-янги шеърлар ёзмоқда, достонлар устида ишламоқда. Шоира изланишлари шеърият мухлисларига янада ажойиб асарларни туҳфа этишига ишонамиз.

**Малика ЖУМАЗОДА,**
**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори**

Бир табрик тарихи

# УСТОЗЛАР МЕҲРИ

– Жаҳон халқлари бизга катта қизиқиш билан интилишди, – деди атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов қадрдон дўсти Одил Ёқубовнинг хонадонида меҳмон бўлганида. – Шарқ ва Марказий Осиё халқлари адабиёти дунёда энг гўзал ҳамда мумтоз адабиётлигини ёш авлодга тушунтириб етказишимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

– Тўғри, – бош ирғаб тасдиқлади уни Одил Ёқубов. – Биз яшаган совет тузуми орқада қолди, энди ёшларда имконият катта.



– Ҳа, кексайиб умримиз ўтмоқда, – дея Чингиз Айтматов бироз эгилиб қолган дўстига меҳрибон нигоҳ билан қараб қўйди. – Бошимиздан кўп азоб-уқубатлар ўтди, буларни ўзимиз биламиз. Ота-боболаримиз ҳам кўп кўргуликлар кўриб, ўтиб кетишди. Совет тузуми қанчалик баттол бўлмасин, ўз сўзимизни айта олдик ва ёза билдик. Энди келгуси авлод ва болаларимиз ҳур ва эркин яшашига кўмак бермоғимиз лозим.


Брюссель
факс
Дорогой Чингиз!

Қароргоҳи Тошкентда жойлашган Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясига Чингиз Айтматов раис эди. Унинг ўринбосарлари сифатида Одил Ёқубов, Абдулла Орипов фаолият юритишарди. Ассамблея ишини ривожлантириш учун Ўзбекистон ҳукумати катта эътибор қаратган эди.

Машҳур қозоқ шоирлари Ўлжас Сулаймонов, Мухтор Шохонов ҳам тез-тез Тошкентга келиб туришарди. Чингиз Айтматов асосан чет элларда юргани учун Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари вакиллари Одил Ёқубов билан учрашишар, бағрикенг адиб хонадони эшиги ҳам улар учун ҳамиша очиқ эди. Шу тариқа Марказий Осиё минтақаси манфаатларидан келиб чиқиб, кўплаб савобли ишлар амалга оширила бошланганди. Бир гал Одил Ёқубовнинг Чингиз Айтматовга ёзган шошилинч мактубини Брюссел шаҳрига жўнатишга тўғри келиб қолди. Бу мактуб халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов таваллудининг 60 йиллигини ўтказиш муносабати билан битилган эди.

Котибаси ўшанда Ч.Айтматовни Одил Ёқубов билан боғлаб берди. Чингиз оға Одил акага раҳмат айтиб, Абдулла Ориповга табрик юборишини билдирди.


Дорогой Абдулла – Ука!

Представляю, как приятно в свои 60 лет именоваться младшим братом – ука, а для этово, как известно, необходимо иметь впереди своих аксакалов. Я как раз один из них ...

И в этой связи, хотел бы напомнить, что большой поэт всегда востребован, всегда историчен, ибо он глас своего народа, выразитель чаяний и страданий человеческих душ, но самое главное - он судья и певец своей эпохи, он глашатай и философ, он акробат стиха и уединенный мыслитель-пустыник. И все это дано ему выразить и сказать в слове для всех доступном, для всех любимом и в то же время в возвышенно-глубинном смысле. И словом ево будут гордится и современники, и предки, и грядущие поколения.

Именно таким поэтом великой культурной значимости для нашего времени, вступившего в 21 век, и видится мне наш Абдулла Арипов.

Дорогой Ука, желаю продолжения миссии поэта на путях узбекской словесности, дабы обогатить свою национальную поэзию и внести свой вклад в мировую культуру.

С поздравлениями и искренними пожеланиями.

Аксакал Чингиз Айтматов

Брюссель, 14 марта 2001

Бу табрик Абдулла Орипов таваллудининг 60 йиллик тантаналарида тақдим этилганида шоирнинг қувончи чексиз эди. Ҳа, дунёга танилган улуғ ёзувчи эътирофидан юксак мукофот бор эканми?!. Абдулла Орипов жуда мамнун бўлиб, икки устозга чексиз миннатдорлик билдирган эди. Чинакам устозларнинг меҳри ҳам улкан бўлар экан.

**Мамадали ЭРОНОВ**

# ЎЗБЕК ТЕАТРИ: КЕЧА ВА БУГУН

**XX аср аввалида, ёзма драматургия шаклланаётган бир даврда адабиёт ва санъат соҳасида ҳам ўзгаришлар бўй кўрсата бошлади. Сиёсий ҳаракат тарзида юзага келган, жамиятни илм-маърифатга чорлашни мақсад қилган жадид драматургияси жадид театри яратилишига туртки берди. Қўлидан саҳнага мос асар ёзиш келадиган илк муҳаррирлар майдонга келганидан сўнг, адабий турнинг драма жанри ҳақида гапириш имкони туғилди.**

Бу жиддий ҳаракат эди. Драматургияга ҳаваскорларгина эмас, балки ўз замонининг илғор фикрли, билимдон ва истеъдодли зиёлилари бўлмиш Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғози Юнус, Ҳожи Муъин Шукрулла, Абдулла Авлоний, Абдулла Бадрий, Ғулом Зафарий, Абдулла Қодирий, Маннон Уйғур каби ижодкорлар кириб келди. Улар ўзларининг саҳна асарларида маърифатпарварлик ғояларини куйладилар. Аксар ҳолда бу зиёлилар ўзбек миллатига, ҳаётига хос ва мос мавзу, муаммоларни драматургия қонун-қоидалари асосида ёритиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Уларнинг пьесалари қайси жанрда, қайси мавзуда ёзилган бўлишидан қатъи назар, бир ғоявий мақсадга хизмат қилган. У ҳам бўлса маърифатпарварлик, кишилар онгидаги сарқитларни, саводсизликни йўқотиш, миллий тараққиётга интилиш ғояси эди. Зеро, уларнинг асарларида дидактика руҳи ёҳуд томошабопликка мойиллик кучли бўлишига қарамай, жиддий мавзуларга мурожаат ҳам яққол намоён бўлди.

Ёзма драматургиянинг шаклланиш даврида барча мавжуд драматургик жанрларда изланишлар олиб борилган. Йигирма йилга яқин давр ичида жадидлар драма, фожиа, мусиқали драма, болалар репертуари, комедиялар яратишди ва саҳналаштирди. Ўша даврда қалам тебрата бошлаган ижодкорлар замонга ёҳуд ўтмиш воқеаларига мурожаат қиларкан, томошабинни янги театр санъатига ўргатиш мақсадида долзарб ҳамда даврга ҳамоҳанг мавзуларни акс эттирдилар. Бу нафақат талаб, балки эҳтиёж ҳам эди. Демак, европа шаклидаги илк янги ўзбек театри репертуаридан нафақат



Алишер Навоий операсидан.

кулгига мойил таржима асарлар, шунингдек, оригинал, халқ турмушидан олиб ёзилган саҳна асарлари ҳам аста-секин ўрин ола бошлади.

Бу эса Туркистонда ҳали профессионал ва ярим профессионал, ҳаваскор рус, татар, озарбайжон ва арман труппалари томоша кўрсатаётган бир шароитда амалга оширилди. Туркистон ўлкасида ижодий сафарда бўлган, ҳаётий зарурат туфайли ёҳуд бошқа сабабларга кўра томошалар кўрсатган ҳаваскор ҳамда профессионал театр труппалари янги шаклдаги ўзбек театридан бир бош баланд эди. Сабаби, аввало, улар аллақачон европа шаклидаги театр билан таниш, ёзма драматургияга ва профессионал актёр, режиссёр кадрларга эга эди. Туркистон ўлкасида эса XX аср бошида энди-энди европа шаклидаги театрга қизиқиш, театрни ўзига касб қила олишга тайёр зиёли ёшлар чиқа бошлаган эди. Рус, айниқса, озарбайжон ва татар театр намояндалари бу ҳаракатда ўзбек театрига ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берди.

Ўзбек театрининг ўн йиллиги муносабати билан мулоҳаза шаклида ёзилган бир мақолада шундай дейилади: "Ўзгаришнинг бошларида театру адабиёти уч турли одим билан кетмишдир. Биринчиси – чет миллат халқи турмушидан олиниб ёзилган кўп катта ва ерли халқ учун ҳазми жуда оғир нарсалар берса, иккинчиси – ҳеч бир маъноси бўлмаган мазасиз нарсалар билан саҳнани тўлдириб ташлаб, халқ учун ўтмас-ўтмас бўлиб қолган эдилар. Учинчи одим эса, ерли халқнинг ўз ичидан олиниб, моҳир қалам билан енгилгина ёзилган асарлар бермиш эдики, бу одимни "Беҳбудий оқими" деб айтишга тўғри келади... Унинг кўргазган режаси бўйинча, бир қанча драмма ҳам комедиялар ўртага чиқди". Бу ерда гап репертуардаги уч тоифа асарлар ҳақида: ўзбек томошабини ҳаётидан узоқ, тушунилиши қийин бўлган асарлар; енгил-елпи нарсалар; халқ ҳаётини ёритувчи драма ва комедиялар. Танқидчи "Беҳбудий оқими" деб атаган ҳолда, учинчи тоифа асарларни миллий театр репертуарида етакчи бўлишини истайди.

Томошабин ўз турмушимиздан олиб ёзилган, ҳаққоний ҳаёт акс эттирилган саҳна фожиалари, драмаларига интилган. Беҳбудийнинг "Падаркуш", Ҳожи Муъин Шукрулла ва Нусратулла Қудратулланинг "Тўй" драмалари шуҳрати бунга мисол бўла олади. "Халқ театруга юрмайди, деган гап тўғри эмас, халқ юрадир. Локин театр – томоша исмида бўлатурғон қурчоқ ўюнларга, ўз руҳига ёт бўлғон, унга англашилмайтурғон таржималик "ғарби" асарларга юрмаса ҳақи бордир. Йўқ эса ўзини қизиқтурғон заминларда ёзилғон ва яхши ўйналатурғон томошаларга халқ юрадир", деб ёзган эди Чўлпон.

1917 йилги қизил инқилоб муносабати билан санъат турларининг соф санъат қонуниятлари асосида эмас, балки сиёсий чақириқлар таъсирида фаолият олиб борган даврида ҳам европа русумидаги ўзбек театри шаклланди, оёққа турди, ривожланди. Янги аср бошида янгиликка илҳақ жадидлар маориф, илм-маърифат тарқатишда пешқадам бўлдилар.

Янги шаклдаги театрни яратишга киришган жадидларда анъанавий театр томошаларига нисбатан икки хил қараш мавжуд эди. Айрим жадидлар халқ майдон театрини бутунлай инкор этишди. Гўё масхарабоз ва қизиқчилар санъати улар кўтариб чиққан ғояларга зид ва тамомила қарама-қаршидай талқин этилди. Бошқа жадидлар эса, аксинча, европа театри неъматлари ҳозирча ўзбек томошабинига тушунарсиз эканлигини таъкидлашди. Бу қараш "Туркистон" газетасининг 1922 йил 22 сентябрь сонида эълон қилинган "Ўзбек театруси" номли мақолада ифодасини топган эди. Мақолада шундай ёзилади: "Бизнингча, бунинг сабаби ёлғиз санъаткорликдир. Халқимиз ҳозирда ингичка санъатлар истамайдир. Театрларға келганда ҳам фақат тамошо, кўнгул очиш учун келадир. Унга ўн беш минутлик бир ўйин учун бир-икки соат декоратсия қуруш билан овора бўлмоқ ҳеч ёқмас. Бу ҳол табиийдир. Санойиъ нафиса, ўйин-кулги ва диққатни ўзига жалб қилгувчи ҳолатлар билан халқнинг ҳиссига таъсирли ижро қилиб, унинг руҳини тарбиялайдирган кучлик бир омилдир. Ҳозирғи театрумиз халқнинг диққатини ўзига жалб қилолмоғонидан, унинг руҳи тилагига жавоб бера олмайдир. Бас, ўзбек халқ театрусини бор, деб бўлмас. Йўқдур". Ёхуд шу мақолада: "Бизнинг турмуш ва руҳимиз нуқтаий назаридан бирор қийматга эга бўлмаган Шекспир ва Фитрат, Гоголь ва Камолларни ҳозирғи театрумиз доирасидан чиқариб турмоқ, тўғруси, бизга унларнинг доирасидан чиқиб турмоқ керакки, биз унларни онглаёлмасмиз ва унлар бизга бирор таъсир ижро қила олмаслар", деган фикрларни ўқиймиз. Янги шаклдаги театрни тузишга бел боғлаган ижодкорлар жадидларнинг мана шундай бир-бирига зид қарашларига ўхшамаган тамомила бошқа йўлни танладилар. Улар европа театри тажрибасини ўрганиш билан бирга, анъанавий театр эришган ютуқларни ҳам унутмадилар, халқнинг эстетик диди, эҳтиёжларини ҳисобга олиш йўлидан бордилар.

XX аср европа русумидаги ўзбек театр санъати шаклланиш жараёнида бир қанча муаммоларга тўқнаш келди, дедик. Аввало, бу санъат тури реакцион диний уламолар қаршилигига дуч келди, иккиламчи энди-энди тетапоя қилаётган театр санъати қандай йўлни танлайди, азалий анъаналарга содиқ қоладими ёхуд четдан кириб келган, ёзма адабиётга асосланган, кўпроқ шартли, томошабоп хусусиятларга эга анъанавий театрдан фарқли ўлароқ, реал ҳаёт ҳақиқати намоён бўлган театр анъаналарини тарғиб этадими... Агар XX аср ўзбек театри ривожланиш тамойиллари ҳақида гапирадиган бўлсак, ундан советлар мафкурасининг асосий ғоявий қуроли сифатида фойдаланилганини кўрамиз.

XXI аср – илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт бирламчи бўлган технологиялар даврида ўзбек театр санъатининг ўзига хос ривожланиш йўллари ҳақида сўзлаш айни муддао. Сабаби, бу ривожланиш жараёнлари XX аср аввалида миллий театрнинг ўз йўлини топиш давридаги уринишларга жуда-жуда ўхшаб кетади. Ўтган аср бошида истиқлол шамолини кутиб яшаган жадидларнинг ушалмаган орзулари рўёбини топди. Ўзбекистон бошқа ҳамдўстлик республикалари қатори миллий мустақилликни қўлга киритди. Бугунги кунда давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан театр санъатига, санъаткорларга берилаётган эътибор чексиз. Зеро, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам қирқдан зиёд театр давлат тасарруфида бўлиб, улар турли жанрий ва специфик хусусиятга эга бўлишига, жойлашиш манзилларига қарамай, ҳаммасига бирдай муносабат билдирилмайди. Бу ҳолат ҳам ижодий салоҳиятнинг ўсишига кўмак беради, албатта. Энг асосийси, бу даврда театрлар бир мақомда маълум анъаналарни давом эттириб қолмай, унутилаёзган саҳна анъаналарини ҳам тиклашга киришди. Шунингдек, маънавий меросимиз кўзгуси бўлган театр санъатини соф санъат тараққиёти нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил этиш имкони туғилди. "Замонавий театр ҳаётининг сурати ранг-баранг, – деб ёзади Э.Мухторов. – Театр ўзида мавжуд бўлган воситалар ёрдамида Ўзбекистон маданиятининг ноёблиги, ўзига хослигини сақлагани ҳолда, ўз қобиғида ўралашиб қолмасдан, саховат билан дунёга маънавий қадриятларимизни тақдим этди ва инсониятнинг энг яхши ютуқларини идрок эта олди". Яъни Ўзбекистон санъати ўз миллий хусусиятларини унутмаган, аксинча, уларни қўллаган ҳолда, жаҳон бадиий маданиятига юзланди.

Муҳими, бу даврда ижодкор эркин ижод қилиш, мавзу танлаш ва истаган мавзусини ёритиш имкониятига эга бўлди. Санъат, адабиёт намуналари аввалгидан фарқли ўлароқ давлат назоратидан чиқди. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат театр, умуман, санъат аҳлини бир оз бўлса-да маблағ билан таъминлашни ўз бўйнига олди. Бироқ бозор иқтисодиётида театрлар асосан ўз маҳсулоти бўлмиш спектаклни рақобатбардош этиб саҳналаштириши ва шу йўл билан ўз-ўзини таъминлаши лозим бўлди.

Мустақиллик йилларида театрларимизда унут бўлаёзган, нотўғри талқин этилган тарихимиз, йўқолиб бораётган урф-одатларимиз, қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳақида ҳикоя қиладиган саҳна асарлари кўплаб қўйилди, ижро ва талқинларда эса азалий халқ томоша санъати тизимлари билан ҳамоҳанг жаҳон театр санъатида кузатилаётган услублар, ифода воситалари қўллана бошлади. Халқимиз тарихидан ҳикоя қилувчи ва буюк алломалар, давлат арбоблари Имом Бухорий, Термизий, Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хоразмий, Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек, Бобораҳим Машраб каби сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган драматик асарлар дунёга келди ва саҳналарда қўйилди. Бу даврда яқин тарихимиз намояндалари Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна асарлари ҳам яратилди, улар ҳақидаги ҳақиқат айтилди.

Тарихга бу қадар қизиқишнинг сабаби шундаки, халқимиз ўз тарихидан буткул бехабар бўлиб, воқеалар мафкура қатларига ўраб тақдим этилганди, истиқлол шароитида эса мана шу парда олиб ташланди. Тарихий асарлар асосида яратилган спектаклларга катта маблағлар ажратилди ва давлат томонидан алоҳида эътибор берилди. Бу ҳам мазкур жанр тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Энг муҳими, тарихий спектакллар маҳобатли ечими, шартли-мажозий услуби, актёрлик санъатидаги йирик ютуқлари билан ажралиб турди. "Демакки, – деб ёзади Ш.Ризаев, – санъат тарихга, ўтмишга бир қур эътибор қаратса, бошқа бутун диққатини бугунги кунда, воқе ҳолатда жамламоғи шарт. Акс ҳолда санъатнинг қадри-қиммати тушиб кетади. Афсуски, маълум вақт шундай бўлди ҳам. Театрларимиз тарихга зўр берган пайтда, томошабин бу "неъмат"дан баҳра олиб бўлгач, ўз аҳвол-руҳияси, бугуни, тўю ташвишларини саҳна ва экранларда кўргиси келди, шунга интилди. Унинг бу истак-интилишига лаббай дейдиган "учар"лар ҳам топила қолди. Бу эҳтиёжни аҳли нафоис идрок этиб, бирон нима яратгунига қадар бўлган фурсатда "учар" олғирлар фикрни эрмакка, кўнгилхушликка томон буриб, жуда кўп нарсаларга эришиб улгурди". Мустақилликнинг илк даври театр репертуарида тарихий мавзу ва комедия етакчи ўринга чиқиб олди. Бу икки жанрнинг биринчи планга чиқишига асосий сабаблардан бири халқимизнинг миллий ўзлиги, қадриятлари, удум ва урф-одатлари яна ўзига қайтариб берилганида, деб ўйлаймиз. Бироқ, афсуслар бўлсинким, театрлар репертуарида, айниқса, томошабинга кўрсатиш борасида "кассабоп" асарларнинг тоши босиб кетганини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ.

Назаримизда, тарихимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз, удумларимизни тиклаш йўлида анча ишлар қилдик. Ўзбек театри бозор иқтисодиёти шароитида томошабинга қандай спектакллар кераклигини, ҳам маънавий озуқа бера оладиган, ҳам маблағ келтирадиган рақобатбардош саҳна асарлари қўйиши лозимлигини англаб етди. Эндиги вазифа нафақат ибратомуз тарихимиз ҳақида, балки истиқлол шамолидан баҳра олиб умргузаронлик қилаётган инсонлар, жамиятимизда амалга оширилаётган islоҳотлар, инсоний муносабатлар, содир бўлаётган ижобий воқеалар, баъзи ечимини кутаётган муаммолар ҳақида бадиий идрок этилган замонавий мавзудаги саҳна асарларини яратишдир. Бугун драматург ва саҳна ижодкорларидан ана шу нарса талаб этилади. Зеро, замонавий ҳаёт манзаралари, сиз билан бизни ўраб турган воқеликнинг нафақат комедияларда бадиийлашган қиёфаси, балки драма жанрида ҳам ўз ифодасини топиши лозим. Қувонарлиси, бугунги кунда мазкур жанрда ҳам ижобий изланишлар кўзга ташланмоқда.

Зотан, бугунги кунда тез суръатлар билан тараққиёт сари интилаётган мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида кузатилаётган жараёнларда маънавиятни соф сақлаш ва асрашда театр санъатининг ўрни беқиёс.

**Сарвиноз ҚОДИРОВА,**
**санъатшунослик фанлари доктори, профессор**

***Ўзбек қўшиқчилик санъатининг буюк дарғалари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби истеъдод соҳибларининг анъаналарини давом эттириб, эл кўнглига йўл топган хонандалар оз эмас. Улардан бири ўзига хос овози билан ўзбек қўшиқчилигида ўз ўрнига эга бўлган ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов эди. Отаси Салимжон ака минг бир ҳавас ва ишонч билан ўғлига машҳур ҳофизнинг исмини қўйган.***



# ЯХШИЛИК КУЙЧИСИ

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Маъмуржоннинг санъатга иштиёқи баланд эди. Мактабдаги тадбирларда устозлари ва мактабдош дўстларини, албатта, ёқимли қўшиқлари билан хушнуд қиларди. Мусиқа ўқитувчиси Тўлқинжон Эргашев унга кўпгина қўшиқларни ўргатиб, вилоят, туманларда ва республикамизда бўлиб ўтадиган байрам, қўшиқ танловларига пухта тайёрларди. Натижада Маъмуржон кўрикларда қатнашиб, биринчи ўринни эгалларди. 1975 йили ўрта мактабни тамомлаб, Қўқон автойўл техникумига ўқишга кирди. 1978 – 1980 йилларда Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги Ҳарбий ансамблда хизмат қилди. Кейин Олтиариқ туманидаги Маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади.

1981 йилдан Тошкент давлат маданият институтида ўқишни бошлаган Маъмуржон устозлари Раҳматжон Турсунов, Тўлқин Тошматов, Тельман Ҳасанов, Тоҳир Йўлдошев ва Саодат Йўлдошевадан санъат сирларини ўрганди. Устозлари ёрдамида Ўзбекистон радиосининг "Олтин фонди"га қўшиқларини ёздиришга муваффақ бўлди. Маъмуржон санъатнинг оғир йўлида адашмасликка ҳаракат қилиб яшади. Унинг самимияти, камтарлиги одамлар орасида обрўсига обрў қўшарди. Ҳар бир қўшиғини яратиш учун тинимсиз изланди, меҳр билан ишлади, бор салоҳиятини ишга солиб меҳнат қилди. Асосийси, ижро этаётган қўшиғининг ҳар бир сўзига эътибор билан ёндашди. У куйлаган қўшиқлар элнинг назарига тушган видеофильмларнинг безагига айланган, сўзларини ҳар бир томошабин ёд биларди... Шу ўринда Маъмуржон Тўхтасинов таниқли режиссёр Мақсуд Юнусовнинг топилмаси, кашфиёти бўлганини ҳам эътироф этиш лозим. Яхшиликни биладиган, заррача яхшиликни эсдан чиқармайдиган Маъмуржон бир умр устоз Мақсуд акадан миннатдорлигини айтиб яшади.

Кўпчилик Маъмуржон Тўхтасиновни Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" асари асосида суратга олинган "Бобур" номли кўпқисмли видеофильмда ижро этган ашулалари, айниқса, "Яхшилик" қўшиғи орқали таниган. Аксарият мухлислари уни том маънода "Яхшилик куйчиси" деб биларди. Ҳофиз ижодий изланишлари давомида мумтоз адабиётимизнинг нодир дурдоналарига чуқур ҳурмат билан қарарди. Маъмуржон Тўхтасинов ижодида Алишер Навоий, Фузулий, Огаҳий, Бобур сингари буюк аждодларимизнинг ғазалларига алоҳида ўрин ажратилган эди. Унинг "Яхшилик", "Буни умр дерлар", "Нима қолди?", "Яхшига қилсанг яхшилик", "Ота-онанг ранжитма", "Овворамиз" каби ўнлаб қўшиқлари аллақачон санъатсевар халқимиз кўнглидан ўрин эгаллаб улгурган. Ҳофиз яна кўплаб янги қўшиқлар яратиш, шогирдларга устозлик қилиш орзуси билан яшарди. Бироқ буни ҳаёт дейдилар, умрнинг поёни қаердалигини ҳеч ким билмайди...

Бир суҳбатда ҳофиз яхшилик фазилати ҳақида шундай деган эди:

– Мендан, нега айнан яхшилик ҳақида кўп куйлайсиз, деб сўрашади. Бунинг боиси, беш кунлик дунёда биздан фақат яхшилик ва эзгулик қолар экан. Менингча, инсон ҳеч қачон яхшилик қилишдан чарчамаслиги керак. Қилинган яхшилик жавобсиз қолмайди, бир куни, албатта, қайтади. Аслида икки дунёмизни обод қиладиган амал ҳам яхшиликдир. Бировга яхшилик қилган одамнинг қалби яйрайди, умри гўзал ўтади.

Маъмуржон Тўхтасиновнинг санъат соҳасидаги хизматлари инобатга олиниб, унга 1993 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 2000 йили эса "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилди. Шунингдек, 1992 йили халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлди.

2012 йилнинг 25 июнь куни 55 ёшга тўлмаган ҳофизни сўнгги йўлга кузатган олтиариқликлар ва кўплаб ҳақиқий санъат шинавандалари учун қайғули кун бўлди. Кўнгилга таскин берадиган бир жиҳат бор. Энди унинг умри ўлмас қўшиқлари орқали давом этади. Айтиб улгурмаган қўшиқларни энди саҳнага чиқиб келаётган фарзандлари айтишига умид билдирмоқдан бошқа иложимиз йўқ. Маъмуржон Тўхтасинов ҳаммани аяшга ҳаракат қиларди. Лекин ўзини аямади...

"Ўзим ўқитувчилар оиласида тарбиялангани учун қўшиқларим билан одамларни тарбиялашга, озгина бўлса ҳам яхшиликка, эзгуликка чақираман. Бобурнинг бир шеърларида яхшилик сенга қайтмаса ҳам, яхшилик қилавергин, дейилган. Шунинг учун мен ота-она, яхшилик ҳақидаги қўшиқларни айтгим келаверади", деган эди ҳофиз суҳбатлардан бирида.

**Нодирбек ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**Санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси**

# Дунёни ҳайратга солган бахшилар

## Ёки олтин мероснинг янги оҳанглари

Бошланиши 1- саҳифада

Очилиш маросимида юртимизнинг барча ҳудудлари фольклор жамоаларининг чиқишлари йиғилганларга манзур бўлди. Айтиш жоизки, Ўзбек миллий академик драма театри бош режиссёри Асқар Холмўминов ҳамда Ўткир Қаххоров, Ҳасан Алимов каби режиссёрлар очилиш маросимининг юқори савияда ўтиши учун бор имкониятларини ишга солишди.

**– Мен Туркиядан келдим, – дейди Нар КАМБЕР. – Фестивалда биринчи марта иштирок этяпман. Ҳақиқатан ҳам тадбир жуда муваффақиятли ўтяпти. Бу ишни амалга оширганларни табриклайман. Маданиятларнинг бир ерда бирлашиши жуда муҳим. Дунёнинг ҳар тарафидан, 19 мамлакатдан маданият кишиларининг бу ерда жамланиши турли маданиятларнинг яшаб қолишида жуда муҳим аҳамиятга эга.**

Дарҳақиқат, йигирмага яқин давлатдан келган 115 нафар бахши, жиров ва оқин 32 гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашди. Ҳар бир қатнашчига 10-15 дақиқа вақт ажратилди. Шу куни дунё бахшилари бир даврада жам бўлиб, ўз миллатининг санъатини намоён қилди. Ҳакамлар ҳайъати Ўзбекистон, Эрон, Туркия, Корея, Грузия, Тожикистон, Қозоғистон, Покистон, Қирғизистон, Индонезия, Россия, Арманистон, Туркманистон, Болгария, Ҳиндистон, Греция, Япония, Словения, Монголиядан келган иштирокчиларнинг чиқишларини турли йўналишлар бўйича баҳолаб борди.

“Термизда бўлиб ўтган биринчи фестивалда фақат бахшилар қатнашган эди, – дейди франциялик олим, ўзбек мусиқашунослиги бўйича мутахассис, ҳакамлар ҳайъати аъзоси Жан Дюрин. – Бу гал баъзи давлатлардан бахши бўлмаган қатнашчилар ҳам келди. Кейинги фестивалларда шуни ажратиб олиш керак, назаримда”.

Фестиваль доирасида томошабинларга ўзига хос туҳфа тақдим этилди. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри ижодий жамоаси Сирдарё вилояти мусиқали драма театри саҳнасида “Бахши” спектаклини намойиш этди. Шунингдек, тадбир доирасида ўзбекистонлик бахшиларнинг яккахон концертлари ва достончилик кечалари, сайллар, мамлакатимизнинг дунёга машҳур шахслари ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида замонавий усулда саҳналаштирилган дастурлар намойиши, бахшилар санъати тарихига оид кўргазма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий-тадқиқот асарлари ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойиши тақдим этилди.

Хорижлик меҳмонлар “Ўзбек миллий таомлари” кўргазмасида қатнашиб, ҳудудларнинг гастрономик туризми билан танишишга муваффақ бўлишди. Ҳар бир ҳудуднинг миллий таомларидан татиб кўришди. Масалан, ёқутистонлик Анастасия Алексеевага Тошкент вилояти ошпазлари тайёрлаган мадор сомса жуда маъқул келди, меҳмон олов ёқилган тандир ёнида эсдалик учун суратга тушди. Корейликларнинг ўзбек фолкьлор жамоалари аъзолари билан рақсга тушгани йиғилганларга хуш кайфият бағишлади. Шу куни ҳар бир вилоят ошпазлари турли йўналишлар бўйича ғолиб деб топилди. Фестивалда маданият ва туризм тадбирларини ташкиллаштиришдаги фаол иштироки учун Жиззах вилояти учинчи ўринни, Тошкент вилояти иккинчи ўринни, Сурхондарё вилояти ошпазлари биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Фестиваль сизга нима берди, деган саволимизга япониялик олим Сеика Вазаки ўзбек тилида шундай жавоб берди:

**– Ҳали жараёнда турибман. Шу учун тил билан аниқ айта олмаслигим мумкин. Хулосаларимни ҳали жамлаганим йўқ. Лекин жуда хурсандман. Кўрмаган нарсамни кўрдим. Ҳар томондан – Қорақалпоғистондан, Сурхондарёдан, Тивадан, бошқа туркий мамлакатлардан келишган, Сирдарёдан Дилмурод бахши, Якутиядан келган Анастасия бахши жуда ажойиб куйлади. Эронлик бахшиларнинг чиқиши менда ажойиб таассурот қолдирди. Буни биринчи марта кўришим. Бу шахсий тажрибам учун жуда катта хазинага айланиб қолади, деб ишонаман. Айни дамда этнография бўйича илмий иш олиб боряпман. Урф-одатларни ўрганаман ва бошқа минтақаларнинг урф-одатлари билан уларни солиштираман. Бу чиқишлар илмий ишимга ҳам катта фойда беради. Энди бизнинг япониялик рококчилар билан сизларнинг бахшиларингизни солиштирадиган бўлсам, иккисиям ёпиқ, ички овозда куйлашаркан. Аммо бошқа жиҳатдан катта фарқи бор экан. Рококчилар қофиясиз айтади, бахшилар қофияли айтаркан. Ўшанчун ҳам жуда чиройли. Рококчиларимизнинг ҳам сирлари бордир. Аммо ҳали мен бу борада изланмаганман. Худо хоҳласа, топаман.**

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими Гулистон шаҳрининг Амфитеатр майдонида бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари иштирокида тантанали тақдирлаш маросими ҳамда гала-концерт намойиш этилди.

Словениялик Звездана Новакович, Татемичи Акеми, туркиялик Нар Камбер россиялик Анастасия Алексеева, эронлик Эслами Фарҳад Алиреза, тожикистонлик Абдураҳмон Ҳасанов, грециялик Циоуварас Гиоргиас, арманистонлик Арман Шахинян, индонезиялик Иашулах Гемала Ҳайати, покистонлик Мулк Афсар Ул каби ижрочилар номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўзбекистонлик Дилмурод Гулмуродов, қозоғистонлик Серик Жақсиқулов, монголиялик Эрдане Ват Есун, кореялик Шин Жа Сун учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга 1250 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти берилди.

Ўзбекистонлик Расулбек Абдураҳмонов, грузиялик Нугзар Кавтарадзе, ҳиндистонлик Сарвар Сабри Камал, болгариялик Ярослав Дмитров Христов иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Ғолибларнинг ҳар бирига 1750 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти топширилди.

Туркманистонлик Гарягды Сарыев, ўзбекистонлик Саламат Аяпов, россиялик Сандан Арес, қирғизистонлик Рисбай Исаков биринчи ўринни эгаллаб, 2500 АҚШ доллари мукофотини қўлга киритишди.

III Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг Гран-при мукофоти ўзбекистонлик Илҳом Норовга насиб қилди. Ғолиб 7 000 АҚШ доллари билан тақдирланди.

**– Ва, ниҳоят, узоқ муҳокамалару баҳслардан сўнг, III Халқаро бахшичилик санъати фестивали ғолиб ва совриндорлари аниқланди,** – деди Маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков. **– Аслида ўз халқига хос миллий қўшиқ, достон ва термаларни тақдим этган ҳар бир иштирокчининг ижроси жозибали бўлди. Айтиш жоизки, бу санъатнинг барҳаётлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бахши, оқин, жировларнинг нафақат уни ривожлантиришдаги, балки асл ҳолича келгуси авлодларга етказишдаги хизматлари ҳам беқиёс. Улар фаолиятини эътироф этиш ва янги номларни кашф қилишда айнан мазкур фестиваль катта ўрин тутади. Бу ижодкорлар учун халқаро даражадаги ўзига хос майдондир. Шундай қувончли лаҳзаларда фестиваль ғолибларини чин дилдан қутлаб, барча иштирокчиларга гўзал ижро ва бетакрор чиқишлар, ўзига хос нафосат байрамининг юқори савияда ўтишига қўшган муносиб ҳиссалари учун самимий миннатдорлик билдирамиз. Халқаро эътирофу ғолиблик муборак бўлсин!**

Сўнгсўз ўрнида бир таклифим бор. Тилшуносларимизнинг эътироз билдиришича, тилимизда “бахшичи” деган сўз йўқ, аммо тадбир номи ўзбек тилида “Халқаро бахшичилик фестивали” тарзида ёзилмоқда. Инглиз тилида эса бу ном аниқ ва тўғрироқ жаранглаяпти: “Bakhshi international art festival”. Шу боис кейинги фестивалда бу камчилик тўғриланади, деган умиддамиз. Яъни фестиваль номи “Халқаро бахши фестивали” ёки “Халқаро бахшилар фестивали”, ё бўлмаса “Халқаро бахшилик фестивали” тарзида ёзилса, янада яхшироқ бўларди.

* * *

Уч кун давом этган фестивални кузатиб, уни ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилганининг гувоҳи бўлдим. Ёзишларича, унга жами 1500 нафардан ортиқ ижодкор жалб этилибди. Бу жудаям катта жамоа дегани.

Маданият ва туризм вазирлиги Ахборот хизмати томонидан ташкил этилган Матбуот марказида эса барча шароитлар яратилганди. Телеканаллар ва радиоканаллар ижодий жамоалари тадбирларни баъзан жонли эфир орқали ёритди, баъзан лавҳаларни ўша ернинг ўзида монтаж қилиб, эфирга юбориб турди. Газета ва сайтларнинг мухбирлари эса мақолаларни марказ компьютерларида ёзиб, тезкор интернет орқали эълон қилиб борди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва жаҳон оммавий ахборот воситалари ўша кунлари қизғин ўтган фестиваль ҳақида бонг урди. Кейинги анжуманлар бундан-да юқори савияда ўтади, деган ниятдамиз.

**Фозил ФАРҲОД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

## Гул кўп, чаман кўп...



Ханс Кристиан Андерсен (1805 — 1875) номи бутун дунё болалари ва катталарига яхши маълум. Унинг ҳаётида жуда кўп қизиқарли воқеалар бўлиб ўтганки, ёзувчи туғилганидан буён ўтган икки юз йил давомида бу ҳақдаги аксарият гапларнинг росту ёлғонини ажратиб олиш мушкул. Аммо қуйидаги воқеаларнинг ҳақиқат эканига шубҳа йўқ.

### Эътироф

Андерсенга ёзган эртаклари катта шон-шуҳрат келтирди, аммо у ўзини аввалига эртакчи ёзувчи сифатида кўрмаган. Ханс болалигидан театрни севган, 14 ёшида Копенгагенга машҳур актёр бўлиш учун йўл олган. Бу орзуси амалга ошмагач, пьесалар ёзишни бошлаган ва шу боис қироллик стипендиясига сазовор бўлган. Топганини эса гимназияда таълим олишга сарфлаган.

Эртаклар Андерсенга 1840 йилларда даромад ва машҳурлик олиб келган бўлса-да, у ҳамон драматург ёки романчи сифатида танилиш мақсадида пьеса, шеър ва насрий асарларини эълон қилиб турган. Умрининг охирларига борганда ўзининг эртаклари “дунёдаги энг ярқираган олтинлигини, бу олтин болаларнинг кўзларида оловдай ловуллашини, болалар ва ота-оналар тилида жаранглаб табассум уйғотишини” эътироф этган.

### Қиролнинг дўсти

Барча замонлар ва халқларнинг буюк хаёлпарасти ўз ҳаётини ҳам эртакка айлантирган, дейиш мумкин. 1855 йилда унинг меъмуарлари, тўғрироғи, ўз ҳаётига бағишланган қиссаси эълон қилинади. “Ҳаётим эртаги” номли бу китобида Андерсен ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни бир неча афсоналарга уйғунлаштириб баён этади ва асар узоқ йиллар шов-шувларга сабаб бўлади.

Жумладан, эртакчи Дания тахтини эгаллаб Фредерик VII номи билан танилган шаҳзода Фритс билан дўстлиги ҳақида ёзади. Ёзувчи қиролнинг дафн маросимида қатнашишга рухсат олганми, йўқми – бу бизга қоронғу, аммо халқ орасида афсоналар тарқалган. Бироқ андерсеншуносларнинг таъкидлашича, 1833 йилда Андерсен Дания ҳақида ёзган шеърлар туркумини қиролга совға қилганда, у мамнун бўлган экан.

### Ёлғиз миллионер

На камбағаллик, на атрофдагиларнинг масхаралаши ёш данияликнинг машҳурлик йўлидаги уринишларига тўсиқ бўлолмаган. Ханс Кристиан биринчи китобини 17 ёшида эълон қилади, 40 ёшга борганда эртаклар ёзиб катта бойлик орттиради.

Турли қулайликлар учун пул сарфлашни истамаган ёзувчи ўттиз мартадан ортиқ саёҳатларда бўлади, Гейне ва Диккенс билан танишади.

Аммо у ўзининг ташқи кўринишига мутлақо эътибор бермаган. Эртакчини одатда оҳори тўкилган эски кийим-бошда кўришган, ўзининг уйи бўлмаган, Андерсен умрининг охиригача ижара уйда яшаган, мухлислари ва ҳомийлари қанчалик кўп бўлмасин, 70 ёшида ёлғизликда вафот этган.

Эртакчининг дафн маросими эртаклардагидек тус олган. Уни сўнгги йўлга кузатиш учун шоҳу гадо келган. Хорижликлар, элчилар, талабалар, қашшоқлар, ҳатто Дания қиролининг шахсан ўзи ҳам маросимда иштирок этган.

### Эртакчи номидаги мукофот

Болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро кенгаши (IBBY) 1956 йилдан буён энг яхши болалар ёзувчиларига Андерсен номидаги мукофотни бериб келмоқда, 1966 йилдан бошлаб рассом-иллюстраторларга ҳам бу мукофот берила бошланди.

Андерсен медали икки йилда бир марта, 2 апрелда – эртакчи таваллуд топган кунда тақдим этилади. Болалар адабиёти бўйича бериладиган бу мукофотни “Кичик Нобель” деб ҳам аташади.

Турли йилларда ушбу мукофотга Элинор Фарджон, Астрид Линдгрен, Эрих Кестнер, Туве Янссон, Жанни Родари, Эйко Кадоно ва бошқалар сазовор бўлишган.

## Болалар бекати



### Варрак

Акам ясаган варрак
Учади оққуш мисол.
Осмонларни қучади,
Гўё кўкдаги хаёл.

Шамол билан ўйнашиб
Пастга шўнғийди гоҳи.
Пориллайди думлари,
Қилиб юрак ўйноқи.

Олти бола бир варрак
Завқидан сув ичамиз.
Гўёки осмонларда
Ўзимиз ҳам учамиз.

### Шумтакалар

Устоз, дер: “Бордир йўл
Қоидаси!” – Биламиз,
Кўркманг, ахир, биз ҳам ўз
Фойдамизни қиламиз.

Йўл четида туради
Светафор акамиз.
Қараб қош-қовоғига
Йўлни кесиб ўтамиз.

Кўзи қизарса, огоҳ
Этар хавфдан, кутамиз.
Сариқ рангда шайланиб,
Кўк ёнганда ўтамиз.

**Музаффар АҲАДЖОНОВ**

# АНТИҚА ҚОБИЛИЯТ

Ҳажвия

Раҳматли бувим жуда билгич эди-да. Ўгитларига амал қилиб сира кам бўлмадим. Ҳамма ёқда дўстларим кўп. “Душманнинг бети курсин. Йўқ бўлгани дуруст, – дерди бувим. – Ҳа энди, яшагандан кейин қойиллатиб яшаш керак–да!”

– Ошна, мен сен учун жонимни беришга тайёрман, – деб турган Боқивойнинг уйида бир ҳафта текинга ишлаб бердим. Раҳматни қуюқ қилди.

– Сиз билан қиёматли дўстмиз, – деб бағрига босди.

Кейин десам, анави Ўлмасхоннинг ҳам менга кўнгли бор шеккили, қачон қарамай йўлимни пойлайди. Ҳамкасбмиз-да, бир куни тушликка таклиф қилдим. Шашлик-сомса дегандай, роса ёғини оқизиб едик.

Менга турмушга чиқишга рози бўлди. Бахтимдан айланай.

Катта тоғам ҳар кўрганда уйига таклиф қилгани қилган.

– Жиян, бир уйимизга ўтгин, ош дамлаб бераман, – дейди нуқул.

Шундай масрур ва мамнун юрган кунларимнинг бирида ярим кечаси тушимга бир оқ соқолли киши кирди.

– Болам, сенинг қалбинг тоза, дилинг пок, шунинг учун сенга бир ажиб хислат ёр бўлади. Шу туфайли оқу қорани таниб оласан, – деди у менга.

Бирдан уйғониб кетдим. Қарасам, тонг ёришибди. Кел, шу бугун тоғамникига борай, дилдан суҳбат қилай, деб йўл олдим. Йўл-йўлакай дўконга кирдим. Кутилмаганда ўзимда ғалати бир хислат пайдо бўлганини сездим. Дўкончи Азимбой менга иршайиб турарди. Фикрини уқа бошладим.

“Туришини қара, сўтак, – дерди хаёлан Азимбой, – оёғидаги туфлиси йиртилибди. Пули йўқдир-да!”

Англадиму оёғимга қарадим. Буни кўриб дўкончининг юзи қизарди.

– Бугун янгисини оламан, – дедим унга.

– Мен бир нарса деяётганим йўқ, ука, – деди сири очилган Азимбой.

Дўкондан ҳафсалам пир бўлиб чиқдим.

Тоғамникига борувдим, роса кўтар-кўтар қилиб кутиб олди. Яна фикр уқишни бошлаб юбордим.

“Кел деса, келавераркан-да, майли, бир томони яхши бўлди, уйимни таъмирлатиб оламан, мендан пул сўролмайди, хижолат чекади”.

Тоғамнинг хаёлидан ўтган фикрларини билсам-да, индамадим. Тоғам ош дамлади. Бирга товоқ тўла паловни тушириб турувдик, хотини Сунбулхон янгам келиб қолди.

– Вой, Солижонми, келинг укажон, хайрият-ей, бизни ҳам йўқлар экансиз-ку! – деди у меҳри ийиб. Бироқ кутилмаганда миям ишлаб кетди.

“Уф, қачон қарама текинтомоқ уруғлари уйимизда, шулардан жуда тўйдим-да. Текин деса, паққос туширади ҳаммаси”.

Сунбул янгамнинг хаёлидан кечганларининг нуқта-вергулигача ўқиб, томоғимдан ош ўтмай қолди.

– Менинг, – дедим дудуқланиб, – қорним тўқ.

– Ош бўлсин, Солижон, ош бўлсин, – деди янгам жилмайиб. – Бир келибсиз-да, уйингиздагилар тузукми?

– Раҳмат.

Тавба, наҳотки янглишган бўлсам. Қаёқдаги бемаъни хаёлни деб сал бўлмаса, қовун тушириб қўй дедим-а.

Шундоқ ўйлаб турувдим бирдан яна ғайритабиий куч исканжага олди. Янгамнинг фикридан сесканиб кетдим.

“Шу текинтомоқлардан қачон қутилар эканман-а!”

Қўлимдан қошиқ тушиб кетди.

– Тоға, қўлим тегса уйингизни таъмирлаб берарман, ишонинг, бир келаман, – деб ўрнимдан дик этиб турдим. Шунда беихтиёр тоғамнинг дилидан кечган фикрдан кўнглим хижил бўлди.

“Жуда априст эканку, ошни паққос туширдинг, хотинимдан балога қоламан. Кетиб қолма энди”, ўйларди тоғам…

Бировнинг фикрини уқиш оқибати ёмон экан. Буни Соқивойнинг ишхонасига боргач яна бир карра билдим.

“Ҳа энди яхшилик қилдим, деб келаверарکансан-да, номард”, ўйларди қўли кўксида, юзида табассум билан ошнам.

– Бўлди, бошқа келмайман!

Шу гап беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

– Бу нима деганинг, ахир, сен ошнамсан-ку! Қачон йўлинг тушса келавер, оғайни, – деди Соқивой сир бой бермай. Шу гапидан кейинги хаёли ўтиб тушди: “Тезроқ даф бўлсанг-чи, оббо, бунча сур, безбет бўлмаса”.

Очиғи, бу ҳақоратли хаёл вужудимни зириллатиб юборди. Ортимга қарамай кетдим. Уйга келсам укам, ҳалимдек юввош бўлиб ўтирибди.

Бировнинг фикрини англаш қобилиятим укамнинг хаёлидан



кечаётганларини менга етказарди:

“Ишқилиб қўл телефонини сувга тушириб юборганимни билмасин-да!”

– Телефонимни нима қилдинг?

– Қанақа телефон? – кўзлари пирпиради укамнинг…

Эртаси куни ишхонага келсам Ўлмасхон йўлимни пойлаб турган экан. Узоқдан кўрдиму... Фикрини уқа бошладим:

“Ана келяпти, бугун “табака”га тушираман. Олиб беради. Мени деса ўзини томдан ташлайди, кейин сайр қиламиз, ишқилиб, чўнтагида пул бормикин?!”

Кайфиятим тушиб кетди. Очиғи, Ўлмасхоннинг олдидан ўтишга оёғим тортмай қолди. Таққа тўхтадим. Энг яқин деб суйганларимнинг фикрлари юрагимга ўқдек ботиб ҳушимдан кетибман.

– Кўзингизни очинг, бизни қўрқитманг, – деган нидодан сапчиб ўзимга келдим.

Атрофимга аланглаб, бошимни силаган Сунбул янгамни, берида ҳалиги тоғаму унинг ёнида кўзида ёш Соқивойни кўрдим. Ажабланарлиси, энди ҳар қанча тиришмай, уларнинг хаёлидан ўтаётган фикрларини илғай олмасдим. Шуниси маъқулга ўхшади. Қандай яхши-я...

**Алижон ЖЎРАЕВ**

Қуролова Наргиза Исроиловна номига Бекобод тиббиёт коллежи томонидан берилган (2004-2007 йиллар) К№ 717223 рақамли диплом йўқолгани сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

O‘ZBEKISTON adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Ҳумоюн АКБАРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1029. Буюртма Г - 538.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

”Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

**Босмахона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X